


# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 119 (1718), 2026 йил 13 июнь, шанба



## Президентга мактуб

# САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев томонидан инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бунинг амалий тасдиғини барча соҳа ва тармоқларда, жумладан, диний ҳаётимизда ҳам яққол кўриш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, жорий йилда муқаддас ҳаж сафарига йўл олган 15 мингдан зиёд фуқароларимиз сафида яна юз нафар юртдошимиз давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан тарихимизда биринчи марта “Президент ҳожилари” сифатида ана шундай кутлуг зиёратни амалга ошириш имконига эга бўлганини таъкидлаш лозим.

Халқимизнинг улуғ фарзанди, машҳур олим ва диний уламо, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг рафиқаси Фотимахон ая Исмоил Махдум қизи ҳам ана шундай шарафга муяссар бўлди. Кўйида муҳтарам ҳожи онанинг давлатимиз раҳбарига йўллаган миннатдорлик хати эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Ассалому алайкум, муҳтарам Президентимиз!

Авалло, бутун ҳаётини ислом дини раънақиға бағишлаб, шу йўлда эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилган фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг машаққатли, айни пайтда шарафли меҳнатларини доимо муносиб қадрлаб, юксак эътироф этиб келаётганингиз учун у зотингиз оиласи, фарзанд ва набиралари номидан Сизга чуқур миннатдорлик билдиришга руҳсат бергайсиз.

Биз сизнинг тимсолингизда кечаю кундуз эл-юрт ташвиши, фарзандларимиз келажагини ўйлаб яшайдиган, юксак иродали, оқил ва доғирли, халқпарвар раҳбарни кўрамыз.

Айниқса, ҳазратимизнинг вафоти туфайли бошимизга тушган оғир жудодик кунларда кўрсатган инсоний меҳр ва эътиборингизни ҳеч қачон унутмаймиз. У кишини хотирлаб айтган самимий сўзларингиз, муҳташам масжид-мажмуа барпо этиб, унга шайх жанобларининг муборак номини берганингиз, бу масжид фаолиятини бошқаришдек гоёт шарафли вазифани падали бузруквори бошлаган ишни давом эттирсин дея фарзандимга топширганингиздан бошимиз осмонга етди, ўксиган дилмиз таскин топди.

Бундай юксак эътибор ва эътирофингиз учун яна бир бор ташаккурлар деймиз!

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтганидек, яхшиликнинг муқофоти фақат яхшилик бўлмай, иншооллоҳ.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларини 2023 йилда “Олий даражали Имом Бухорий” ордени билан муқофотлаганингизни ҳам биз Сизнинг ҳаққингизга чексиз дуолар қилиб, кўзимизда қувонч ёшлари билан кутиб олдик.

Ҳазратимизга яқин тарихимизда гоёт мураккаб даврда собиқ иттифоқ ҳудудиданги мусулмонлар учун ҳаж ва умра сафарини эшикларини очиб шарафи насиб қилган эди. Орадан йиллар ўтиб, Сиз, муҳтарам

Президентимизнинг саяё-ҳаракати билан бу муборак сафар йўлидаги барча чекловлар олиб ташланди. Мана, энди мингминглаб ватандошларимиз ҳаж ва умра зиёратига эмин-эркин бориб келмоқда.

Бу йил яна бир юксак эътиборга сазовор бўлди — Президент ҳожилари сафида келимин билан бирга ҳаж зиёратини адо этиб келдик.

Муҳтарам Президент, биз бундай марҳаматни улуғ ҳазратимизга, иймон-эътиқодли ва заҳматкаш халқимизга, муқаддас динимизга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, инсонни қадрлаш ва эъзозлашнинг олий намунаси деб биламиз.

Аллоҳ таоло шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларига, у кишининг аҳли байтларига, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларга қилган бу улуғ ҳимматингизни даргоҳида ҳусни қабул айласин! Бундай олижаноб ишлар шарафати билан ҳажга борган ҳар бир юртдошимизнинг барча солиҳ амаллари учун ёзилган ажру савоблардан, аввало Сизни, раҳматли ота-онанингизни, устозларингизни, барча ўтган азизларингизни, бугун Сизга доимо таянч бўлиб келаётган аҳли оиланингизни, авлоду зурриётларингизни ҳам баҳраманд қилсин!

Парвардигори олам Сиз ва Сиз бошчилигингиздаги эл-юрт ишига камарбаста барча инсонларнинг Ватан учун, миллат учун, дини ислом учун қилаётган хайрли ишларингизда Ўзи доим мададкор бўлсин!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, улкан куч-ғайрат, оилангиз, халқимиз билан бирга барча эзгу мақсадларингизнинг рўёбини кўриш насиб этишини тилаб қоламан!

Аллоҳ таоло дунё ва охирада юзингизни ёруғ қилсин, Узининг розилиги йўлидаги буюк хизматларингиздан келадиган обрў-эътибор ва яхшиликларни зиёда этсин!

Камолот эҳтиром ила,

Фотимахон ая  
Исмоил Махдум қизи

## 15 июнь — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топган кун



# ШҲТ БИРДАМЛИГИ — БЕПОЁН МИНТАҚАДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ КАЛИТИ

Инсон қадрини жамият ривожининг энг муҳим негизи сифатида азал-азалдан эътиборга молик жихат бўлиб келган. Айнан шу улуғворлик ҳар қандай давлатнинг бош масаласи, ҳар қандай халқаро ташкилот даражасини белгилайдиган асосий мезондир. Айнан инсон қадрини улуғланган юртда буюклик андозаси ҳисобланмиш тинчлик ва фаровонлик барқарор бўлиб қолаверади.



Дунёнинг қай бир бурчагида юз берган ихтилоф, баъзи давлатлар ўртасидаги келишмовчилик, гоҳида содир этилган ҳарбий тўқнашувлар ҳам инсон улуғворлигини пароканда қила олмаган. Ҳаттоки ўтган асрнинг тажовузкор силсилалари бўлиши Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари ҳам инсоният қадрини олдида оҳиз қолгани бугун сир эмас.

Инсон қадрини тамомла йўқ бўлиб кетмаслиги ҳақ гап. Шу билан бирга, инсон қомиллиги хос бўлмаган ҳар қандай иллат, кўнгил ришталарини бузувчи ҳар қандай разиллик ўзининг салбий изларини қолдириши табиий. Илм-фан ривожини, техника тарққиб юксак чўққилларни забт этган йитирма биринчи асрнинг ҳам чорак қисми ортда қолди. Инсон ақл-заковати улуғворлик касб этишини, олам сирларини инсон онгига мослаштиришни ҳар қадамда кузатиш қийин эмас.

Шу билан бирга, бугунги кунда дунё мураккаб ва чуқур ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Жаҳоннинг турли нуқталарида қуролли можаролар юз бермоқда.

Давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик, санжидвий босим каби янги тажовузалар беқарорлик ва ноанқиликка сабаб бўлмоқда. Халқаро сиёсий ва иқтисодий тартиб тўғрисида бузиллиш сари юз тутган.

Мураккаб геосиёсий ўзгаришлар юз берётгани деярли ҳар бир давлат миқёсда очиқ-ойдин акс этмоқда. Давлатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик тобора чуқурлашмоқда. Натижада ҳавфсизликка таҳдид, ташқи таъ-

сирнинг ортиши, имкониятлар тенгсизлиги ва қашшоқлик тобора авж олмақда.

Кейинги юз йилликда бир-бири билан чамбарчас болгани кетган дунё мувозанатини сақлаб қолиш, муштарак қадрият ва неъматлар емирилишининг барвақт олдини олиш, инсон улуғворлигини асраб-авайлаш масаласи ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Олдиндан башорат қилиш мураккаб бўлган бу тарздаги глобал сиёсий-иқтисодий жараёнларда давлатлараро янги йўсиндаги халқаро ташкилотларга эҳтиёж сезилиши табиий.

Ички стратегик вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишда халқаро омилларнинг аҳамияти сезиларли даражада ошди. Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида ўзаро боғлиқ жиҳатлар намоян бўла бошлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир давлатни миллий ривожланиш учун қўлай халқаро муҳитни шакллантиришда ўзининг бевоқифа иштирокни қучайтиришга имкон берувчи йўллари излашга ундамоқда.

Давоми 3-бетда

## V ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

### МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРГА САНОҚЛИ ФУРСАТ ҚОЛДИ

Кун мавзуси



Тошкент шаҳри нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий маркази, ишбилармонлар тўпланадиган манзиллардан бирига айланиб бормоқда. Халқаро форматдаги бизнес учрашувлар, қатор тадбир ва кўргазмалар сабаб хорижийликлар пойтахтимизнинг доимий меҳмонига айланган. Шу кунларда мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги яна бир йирик анжуман — Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик ишлари қизғин ва ҳал қилувчи паллага кирди.

Бешинчи бор ўтказилаётган форум бу йил қайси маънода кичик юбилейини нишонлайди. Шу муносабат билан пойтахтимиз жорий йилнинг 16-18 июнь кунлари нуфузли хорижий меҳмонлар, йирик инвестор ва экспертлар, халқаро молия институтлари раҳбарларини қутиб олишга тайёрланмоқда.

Инвестиция форумига қизиқиш ниҳоятда юқори. Буни хорижий меҳмонлар кўлами ҳам тасдиқлайди.

Давоми 2-бетда

## Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАР, ИЖРО ИНТИЗОМИ — ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ



Авалло, бугунги ўзгаришлар ва туб ислохотлар замирида Президентимизнинг ташаббускорлиги, очиқ ва шаффоф давлат сиёсати, “инсон — жамият — давлат” тамойилига асосланган “Барчаси инсон қадрини улуғлаш” деган эзгу ғояси муважжам.

Солиқ тизимига ҳам аҳоли манфаатлари, солиқ тўловчиларга қўлайликлар яратиш учун маҳаллабай ва қорхонабай ишлаш принциплари жорий этилган. Асосий мақсад аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ҳал этиш, давлат хизматчилари билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш имкониятини яратиб бериш.

Ислохотлар самарадорлиги ва белгиланган мақсадларга эришининг натижадорлиги бевоқифа ҳар бир ташкилотда мустаҳкам ижро интизоми йўлга қўйилганига боғлиқ. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини қучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони давлат идоралари ва ташкилотларида ижро

интизомини янада мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.

Мазкур ҳужжат билан ижро интизомини мустаҳкамлаш, ягона ва узлуксиз “технологик занжир”ни ташкил қилиш бўйича барча даражадаги бошқарув органлари раҳбарлари шахсан эътибор қаратиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 31 майдаги “Йў. gov.uz” ижро интизоми идоралараро ағона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижро интизомини мустаҳкамлаш йўлида муҳим дастуриламал ҳужжат бўлди. Президентимиз таъбири билан айтганда, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топширилган қозғода эмас, амалда натижа бериши керак.

Давоми 4-бетда

## ҚАТЪИЙ ЖАЗО ВА СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ҲИМОЯСИ

### ЁХУД ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

#### Шарҳ

Гиёҳвандлик инсоният дуч келаётган энг хавфли ижтимоий офатлардан бири ҳисобланади. Бу иллат бир қарашда алоҳида инсоннинг муаммосидек кўринса-да, аслида, унинг оқибатлари бутун

жамиятга таъсир кўрсатади. Зеро, гиёҳвандлик инсон саломатлигини емирибгина қолмай, оилаларни пароканда қилади, ёшларнинг орзу ва мақсадларини барбод этади, жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлади ва мамлакатнинг интеллектуал ҳамда демографик салоҳиятига жиддий зарар етказиши.

Бугунги глобаллашув шароитида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланмаси трансмиллий жиноятчиликнинг энг хавфли кўринишларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг пайдо бўлиши ва интернет орқали тарқатилиш усулларининг кенгайиши бу таҳдидни янада қучайтирмоқда. Шу сабабли дунёнинг кўплаб давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам наркотиқчиликка қарши курашиш сиёсатини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2026 йил 11 июнда имзолаган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналогларининг ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга

хилоф муомаласи учун жавобгарлиқни такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун ана шу эҳтиёж ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди. Мазкур қонун гиёҳвандлик воситалари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий механизмларни тубдан такомиллаштириб, давлатнинг бу соҳадаги қатъий позициясини яна бир бор намоян қилди.

Қонуннинг энг муҳим янгилликларидан бири Жиноят кодексига “Аҳоли саломатлиги ва генотипига қарши жиноятлар” деб номланган алоҳида бобнинг ташкил этилишидир.

Давоми 2-бетда



# V ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

## МУҲИМ ИҚТИСОДИЙ ТАДБИРГА САНОҚЛИ ФУРСАТ ҚОЛДИ

### Бошланиши 1-бетда

Шу йилнинг 9 июнь кунини давлатимиз раҳбарига Тошкент халқаро инвестиция форумига тайёргарлик юзасидан берилган ахборотда айтилишича, келаси ҳафта бўлиб ўтадиган йирик анжуманда дунёнинг 99 мамлакатидан жами 8 мингдан зиёд иштирокчи, жумладан, қарийб 3,1 минг хорижий меҳмон қатнашиши кутилмоқда.

Бу ўтган беш йил ичида форумга қизиқувчилар сони бир неча баробар ошганини кўрсатади. Чунки форум 2022 йилда илк бор ўтказилган вақтда 56 мамлакатдан мингдан зиёд чет эллик меҳмон иштирок этган. Бу гал эса уларнинг сони анча кўп. Таклиф этилганлар орасида хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари ва вакиллари, нуфузли халқаро молия институтлари, йирик компаниялар, инвестиция жағғамалари ва ишбилармон доиралар етакчилари бор. Уларнинг аксарияти долзарб мавзулардаги маърузалари билан қатнашади. Меҳмонлар аллақачон форумда иштирок этишга ҳозирлик қўриб, мамлакатимизни ушбу муҳим тадбир билан кутламоқда.

Тошкент халқаро инвестиция форумида яна бир бор иштирок этишдан фойдаланишнинг асосий сабаблари — дефиди Германиядаги “KfW IPEX Banking” компаниясининг Шарқий Европа, Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаси бўйича директори Екатерина Галицина. — Бу гал форумда “Тадбиркорликда аёллар: гендер тенгликка асосланган инклюзив ўсишнинг иқтисодий самараси” мавзусидаги панель сессиясида маърузачи сифатида иштирок этман. Мавзунинг долзарблиги шундаки, бугунги кунда гендер омилларини ҳисобга олган ҳолда инвестиция киритиш ривожланиб борапти. Шу билан бирга, сессиялар доирасида ривожланаётган иқтисодиётларда аёллар тадбиркорлиги йўлидаги тўсиқлар ва уларни бартараф этиш, хотин-қизларнинг молия ресурсларидан фойдаланиши, бизнесни кенгайтириш каби масалалар таҳлил қилинади. Тошкент халқаро инвестиция форуми шу каби долзарб мавзуларда фикр алмашиш, янги ғоя ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш, инновацион ташаббусларни илгари суриш учун юқори даражадаги платформа ҳисобланади. Форум ҳар йили дунёнинг турли мамлакатлари ва соҳаларида фаолият юритаётган йирик вакиллар ва инвесторларни бир нуктага жамлаётганига гувоҳ бўляпмиз.

ниҳоятда сермазун ва амалий аҳамиятга эга бўлиши кутилмоқда. Ундан глобал бозор тенденциялари, инвестицияларни жалб этишнинг янги механизмлари ва истиқболли минтақаларга лойиҳалар муҳофазатига бағишланган сессиялар, панель музокара, давра суҳбатлари ўрин олган. Хусусан, форум доирасида ялпи мажлис, икки томонлама

дефиди Германиядаги “ЕСМ Group” компаниясининг бизнесни ривожлантириш бўйича минтақавий директори Дмитрий Федунян. — Кўп йиллардан бунён Ўзбекистон бозорига қизиқамиз ва 2022 йилда ниҳоят Тошкент шаҳрида ўз офисимизни очишга эришдик. Фаолиятимиз давомидида Ўзбекистондаги шаҳарсозлик, аэропортлар, соғлиқни сақлаш



учрашувлар, тармоқ ва ҳудудлар тақдиротлари, инвестиция келишувларини имзолаш маросимлари ўтказилади.

Ўтган йили илк бор ташкил этилган Миллий инвестиция кўргазмаси бу йил ҳам дастурдан жой олган. Унда мамлакатимиз қишлоқ

ҳамда туризм инфратузилмаси билан боғлиқ қатор қизиқарли лойиҳаларда иштирок этиб келяпмиз. Бу биз учун катта имконият ва тажрибадир. Ушбу ажойиб диёрни катта иқтисодий салоҳиятга эга деб биламиз. Айни жихатдан хорижий инвесторларни ҳам мамлакатга фаол жалб этиб, ишончини оширмоқда. Шу билан бирга, халқаро молиявий институтлар мамлакатда инвестиция дастурларини кенгайтиряпти. Тошкент халқаро инвестиция форуми бу йил янада кўпроқ инвесторларни бир нуктага жамлаши шубҳасиз.

Анжуман аллақачон Марказий Осиёдаги энг муҳим бизнес майдонлардан бирига айланган. Мазкур йирик форумда креатив индустрия ва маданий иқтисодиёт ривожига бағишланган панель сессияда иштирок этаётганимдан хурсандман. Унда соҳа вакиллари билан биргаликда кўп триллион долларлик капиталлашувга эга глобал креатив бозорда институционал ҳамкорлик истиқболларини таҳлил қиламиз. Қолаверса, мамлакатдаги бизнес фаолиятимизни янада ривожлантириш учун янги ҳамкорлик



**“ Хорижлик сармоядорларнинг аксарияти шундай, ҳамкорлик қўламини оширишга қизиқиши баланд. Бу эса жаҳон майдонида юртимиз инвестицион имкониятларига ишонч ортиб бораётганидан далолат. Шу жиҳатдан халқаро форум нафақат дунёнинг турли нуктасидаги сармоядорлар, балки уларнинг ғоялари, таклиф ва ташаббусларини ҳам бирлаштиради.**

Ҳақиқатан, ушбу халқаро инвестиция форуми биринчи йилнинг ўзидеки юртимизнинг инвестициявий салоҳиятини кенг намойён этиш, хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли лойиҳаларни шакллантириш ҳамда илгари суриш, қолаверса, жаҳоннинг нуфузли компанияларини бир ерда жамлаш майдонида айланди. Бугун эса унга қизиқиш янада юқори. Чунки энди чет элликлар юртимизнинг инвестицион имкониятлари билан таниш, шу боис, уларни янги Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини, ривожланиш йўлидаги имкониятлари, таклиф этаётган ташаббуслари, қолаверса, маҳаллий ва хорижий ишбилармонлар учун яратилган шароитлар тобора кўпроқ қизиқтирмоқда.

Ана шу ташаббуслар халқаро форум майдонида янги ҳамкорлик алоқалари, фаол келишувларга айланади. Мулоқотлар турли форматдаги тадбирлар, кўргазма ва бизнес учрашувлар, сессиялар доирасида кечади. Одатда форумнинг иш жадали зич бўлиб, тадбирлар бир вақтинчи ўзига турли манзилларда ўтказилади. Ҳар бири хорижий инвесторлар, маҳаллий ва чет эллик бизнес доира вакиллари билан жамлайд.

Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигининг маълум қилишича, жорий йилги дастур

хўжалиги, энгил саноат, геология, электротехника саноати, машинасозлик, кимё саноати, энергетика, сунъий интеллект ва ахборот технологиялари тармоқларининг имкониятлари намойиш этилиши режалаштирилган. Хорижий инвесторлар каттагина кўргазма павильонига миллий маҳсулотларимиз билан бевоқифа танишиши имкониятига эга бўлади. Бу юртимиз саноати, ишлаб чиқариш қувватлари, маҳаллий бозорни бир манзилда, кенгрок ўрганиш учун қулай шароит яратади.

Боис, инвесторларнинг аксарияти йирик компаниялар, халқаро брендлар раҳбарлари, жаҳон бозорининг етакчи ишлаб чиқарувчилари саналади. Улар форумга шунчаки қизиқишдан кўра, аниқ таклиф ва лойиҳалар билан янги ҳамкорлар топиш мақсадида келаётгани шубҳасиз. Ҳар йили имзоланаётган бизнес битимлар бунинг яққол исботи. Ўтган йилги форум якуналари бўйича эришилган ҳамкорлик келишувларининг умумий қиймати 30 миллиард долларга етганди. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар фаол амалга оширилиб, барча соҳалар ривожидида етакчи ўрин тутмоқда.

— Мухандислик компаниямиз архитектура ва муҳандислик лойиҳалаш, лойиҳа бошқаруви, консалтинг ҳамда бош режа ишлаб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатади, —

**Ирода ТОШМАТОВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ҚАТЪИЙ ЖАЗО ВА СОҒЛОМ КЕЛАЖАК ҲИМОЯСИ

## ЁХУД ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ЯНГИ БОСҚИЧ

### Бошланиши 1-бетда

Бу ҳуқуқий ёндашув гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга мутлақо янги баҳо берилаётганини кўрсатади. Энди мазкур қилмишлар фақат жамоат хавфсизлигига қарши жиноят сифатида эмас, балки миллат саломатлиги ва келажак авлод тақдирига қарши таҳдид сифатида баҳоланмоқда.

Мазкур бобга аввалдан мавжуд бўлган 16 та модда билан бир қаторда, аҳоли саломатлигига ўта хавфли бўлган янги жиноят таркиблири ҳам киритилди. Бу эса гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашни давлат сиёсатида алоҳида устувор аҳамият касб этаётганини аниқлатади.

Сўнгги йилларда синтетик гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бораётгани кузатишмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда тарқалаётган кўплаб синтетик гиёҳвандлик воситалари айнан яширин нарколабораторияларда тайёрланмоқда.

Маълумотларга кўра, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар томонидан фақат сўнгги тўрт ойнинг ўзига мамлакат ҳудудида 14 та нарколаборатория фаолияти фож этилган. Бу рақамнинг ўзидеки хавфнинг қўламини кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан қонунчиликка ғайриқонуний нарколаборатория ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлашга қарши алоҳида жиноий жавобгарлик киритилди. Бундай қилмишлар учун 5 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.

Бу норма наркотикларни тарқатувчиларга эмас, балки уларни ишлаб чиқарувчи ва жиноий занжирнинг асосий бўғинини ташкил этувчи шахсларга қарши курашиши имконини беради.

Тажриба шунини кўрсатадики, йирик наркожиноятлар айрим ҳолларда коррупцион омиллар билан боғлиқ бўлади. Айрим мансабдор шахсларнинг хизмат ваколатларидан фойдаланиб, жиноятчиларга қўмақлашиши ёки улар ҳақидаги маълумотларни яшириши жамият учун икки қарра хавф тугдиради.

Шу сабабли қонун билан мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш орқали гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига ҳомийлик қилиш, раҳнамоллик қилиш ёки бундай жиноятлар фож бўлишининг олдини олиш мақсадида олдиндан хабар бериш учун ҳам 5 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди.



**Зухриддин МАВЛОНОВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати**

Бу давлатнинг гиёҳвандлик воситалари бизнеси билан боғлиқ ҳар қандай коррупцион муносабатларга нисбатан муросасиз сиёсат юритаётганини аниқлатади.

Гиёҳвандликнинг тарқалишида бангхоналар алоҳида ўрин тутади. Бундай жойлар нафақат гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилинадиган муҳит, балки янги истеъмолчилар жалб қилинадиган ва бошқа жиноятлар содир этиладиган хавфли нукталар ҳисобланади.

Қонун билан гиёҳвандлик воситалари ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилиш ва тарқатиш учун бангхона ташкил қилиш ёки сақлаш учун 3 йилдан 12 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилди. Бу орқали наркотиклар тарқалиши учун шароит яратётган шахсларга қарши таъсирчан ҳуқуқий тўсиқ яратилмоқда.

Гиёҳвандликнинг энг оғир оқибатлари, аввало, ёшлар ҳаётида намойён бўлади. Наркотик моддалар таъсирига тушиб қолган ёш кўпичча таълимдан узоқлашади, меҳнат бозоридида рақобатбардошлигини йўқотади ва жиноятчилик муҳитига кириб қолади. Шунинг учун ҳам янги қонунда ёшлар ва вояга етмаганларни ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

# БОЛАЛАР ОРОМГОҲЛАРИ — ЁЗГИ ТАЪТИЛНИ УНУМЛИ ЎТКАЗИШ ИМКОНИЯТИ

## Ёз — 2026

**Болалар учун янги кашфиётлар, янги хотиралар эшигини очадиган масканлардан бири ёзги оромгоҳдир. Табиат бағрида маза қилиб дам олиш, қизиқарли машғулотлар ва самимий дўстлик муҳити болаларни оромгоҳларга чорлайверади. Ушбу масканларни мавсумга шайлаш, уларда зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор бериллади.**



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Бу борадаги ишлар ҳақидаги маълумотларни Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Болаларни қўшимча таълимга жалб қилиш бўлими бошлиғи Баҳром Аминов тақдим этди. Мутасадди сўзларига кўра, вазирилик ҳамда ҳудудий бошқармаларда “Ёз — 2026” штаби ташкил этилди. Штаб ёз мавсумида оромгоҳлар фаолиятини йўлга қўйиш, малякани педагог кадрлар билан таъминлаш билан боғлиқ ташкилий жараёнларни мувофиқлаштиради. Айни пайтда “Ёз — 2026” мавсумини мазмунли ташкил этиш ишлари авжида.

Жорий йилда вазирилик ва идоралар тасарруфидида 179 та стационар оромгоҳда 157 минг 680 бола дам олиши режалаштирилган бўлиб, 10 июнь ҳолатига кўра, 140 та стационар оромгоҳда 25 минг 648 бола дам олдирилди. Вазирилик тизимидида 3 та стационар оромгоҳга эса (Самарқандда 2 та, Фарғонада 1 та) 1060 бола қамраб олинishi режалаштирилган.

2025/2026 ўқув йилида барча фанларни аъло баҳолашга ўзлаштирган, Иجتимойи реестрга киритилган оилаларнинг 41 минг фарзанди Ўзбекистон касаб ва уюшмалари федерацияси тизимидидаги оромгоҳларга жалб этилади.

Оромгоҳга бориш болалар учун нафақат дам олиш, балки қизиқарли машғулотлар, ўз қобилиятларини ривожлантириш имконияти ҳамдир. Бу борада улар билан педагог кадрлар ишлаши керак бўлади. Президентимизнинг 2022 йил 18 ноябрдаги “Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, эҳтиёжга кўра, оромгоҳларда фаолият юритадиган 1145 педагог рўйхати шакллантирилди. Улар жорий йилнинг 4-8 май кунлари 36 соатлик махсус ўқув дастурлари асосида ўқитилди.

Оромгоҳ раҳбарлари, педагоглар ҳамда тўғрақ раҳбарлари учун услубий қўшимчалар ишлаб чиқилиб, электрон шаклда барча ҳудудларга етказилди. Педагог ходимлар белгиланган тартиб асосида ишлаши учун намунавий иш режаси тайёрланди. Махсус ўқувларни тугатган педагог ходимларга дам олувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш учун 2 турдаги услубий қўламан тарқатилди.

Стационар оромгоҳларга жалб этилмаган болалар учун жойлардаги таълим муассасаларида 1242 та соғломлаштириш майдончаси ташкил этилиб, уларда спорт, санъат ва АТ йўналишларда тўғрақлар фаолияти йўлга қўйилди. Болаларга мўлжалланган қизиқарли кино ва мультфильмлар намойиш қилинади. Бунга меҳнат таълимига чиқмаган 11 мингдан ортиқ педагог жалб қилинмоқда.

Соғломлаштириш майдончаларида қарийб 157 минг бола дам олдирилиши режалаштирилган. Мақтаблар зарур шароитлар билан таъминланяпти. Олис Сурхондарё вилоятининг Денос туманидаги 74-мактабда ташкил этилган соғломлаштириш майдончаси бу борада намуна қилишга арзийди.

— Бу йил ҳар йилгидан ҳам кўра кўпроқ ўқувчилар жалб этилди, — деди мактаб раҳбари Руқия Ҳакимова. — Болалар спорт йўналишидан завқланапти. Айниқса, шахмат, шашка, футбол, волейбол мусобақаларида улар жуда фаол. Китобхон болалар кутубхонадан фойдаланяпти. Информатика хонасида эса АТ технологиялар ўргатиляпти. Тилга қизиқувчилар учун турли тўғрақлар ишлаб турибди. Болаларга нуношга, тушлик ташкил қилганмиш. Мактабимизнинг мўъжазгина томорқасидаги иссиқхона маҳсулотларини болаларимиз билан баҳам кўряпмиз. Буларнинг барини ота-оналар ўз кўзи

Эндиликда вояга етмаган шахсни кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этганлик учун тўғридан тўғри жиноий жавобгарлик белгиланди.

Бундан ташқари, таълим муассасалари, талабалар ётоқхоналари, болалар оромгоҳлари ёки уларга туташ ҳудудларда наркотик ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб этганлик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилди.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳам муҳим ўзгариш киритилди. Эндиликда гиёҳвандлик воситалари, психоотроп ёки кучли таъсир қилувчи моддаларни жамоат жойларида истеъмол қилганлик учун 15 суткагача маъмурий қамқоқ жазоси белгиланди.

Чунки аҳоли кўз ўнгидида наркотик моддалар истеъмол қилиниши бошқаларга, айниқса, ёшларга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ғайририжимоий хулқ-атворнинг оммалашшига сабаб бўлади.

Тахлиллар сўнгги йилларда наркожиноятлар бўйича такрорий ҳуқуқбузарликлар кўпайганини кўрсатади. Айрим ҳолларда маҳкумлар жазо муддатининг ярмидан ҳам кам қисмини ўтаб, озодликка чиққан ва қисқа вақт ичида яна жиноят содир этган. Маълумотларга кўра, сўнгги тўрт йил давомида наркожиноятларни такроран содир этган шахслар сони 125 фоизга ошган.

Шу сабабли айрим ўта оғир наркожиноятлар учун муддатидан илгари шартли озод қилиш тартиби қўлланилмастлиги белгиланди. Шунингдек, наркотикларни кўп миқдорда ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар учун жазо чоралари янада кучайтирилди.

Хулоса ўрнида шунини алоҳида қайд этиш лозимки, қонун мамлакатимизда наркожиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатни янги босқичга олиб чиқмоқда. У нафақат жазоларни оғирлаштириш, балки жиноятларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, миллат генфондини асраш ва ёшларни хавфли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилган комплекс ёндашувни ўзидида муважасан этган.

Энг муҳими, ушбу қонун жамиятга муҳим сигнал бермоқда: гиёҳвандлик ва наркожиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

болан қўриб, бизга хайрихоҳлик билдираётганидан хурсандимиз. Зеро, бўш вақтни бўлмаган бола бематни нарсаларга чалғимади, фақат яхшилик сари интилади.

Болаларнинг бўш вақтини унумли ташкил этиш кўплаб ёмон иллатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Шу маънода, маъсуллар томонидан ишлаб чиқилган режа улар учун барча томонлама манфаатли. Хусусан, “Турон” мактаб театри ва “Иқтидор” болалар ансамбли жамоаларининг 208 та театр ва концерт дастури уюштирилади. Шунингдек, ёзги таътил даврида 223 та “Келажак” марказида маданият ва санъат йўналишида ўқувчилар қизиқишдан келиб чиқиб тўғрақлар ташкил этилади. “Долзарб 90 кун” доирасида 50 та “Келажак” марказида “Ёзги касблар тўғрақлари” лойиҳаси амалга оширилади.

Ёзги таътилда футбол бўйича миллий терма жамоамизни қўллаб-қувватлаш мақсадида 220 та умумтаълим мактабида “Муҳлислар майдони” лойиҳаси йўлга қўйилди. Лойиҳага 1 ой давомида 122 минг ўқувчи қамраб олинади.

“Футболимиз келажаги сенинг қўлингда” мусобақаси, “Турон” мактаб театри ва “Иқтидор” мактаб ансамбли танловларининг республика босқичлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Иқтидорли ўқувчилар ва фан олимпиадалари ғолиблари ўртасида “Z-avlod” республика форуми ўтказилади. Ушбу лойиҳаларга 3 мингдан ортиқ ўқувчини жалб қилиш кўзда тутилган.


Мамлакатимизда умуммиллий китобхонлик ҳаракати бошланди. Республикаимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган бу ҳаракатда умумтаълим мактабларининг 1-синфдан 11-синфгача ўқувчилари иштирок этиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Демак, эндиликда оромгоҳларда ҳам китобхонлик ҳаракати кучайтирилади. Айни мақсадда жорий йил оромгоҳларга 57 минг дона болалар адабиёти етакчи берилиши режа қилинди. Шунингдек, “kitob.uz” платформасидаги адабиётларнинг электрон ва аудио шаклларида фойдаланиш бўйича шароитлар яратилди.

“Ёш жадиждилар — маърифат сари дадил қадам” лойиҳаси орқали 110 ўқувчи ўртасида китобхонлик ташкил ташкил этилади.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Маърифат тарғиботчилар жамияти томонидан йўлга қўйилган “Янги Ўзбекистоннинг бахтиёр болалари” лойиҳаси доирасида таниқли ижодкорларнинг оромгоҳларга бориб маънавий-маърифий ишларни ўрганаётгани, керакли тақлифларни бераётгани айни мuddада. Болалар дам оладиган масканларнинг миллий қадриятлар руҳида безатилиши, оромгоҳда маънавий муҳитни янада яхшилаш юзасидан мутасаддилар билан фикр алмашилаётгани ҳам мақсадга мувофиқ.

Миллий йўналишларини йўлга қўйиш, китобхонлик тадбирларини юқори савияда ўтказиш эса оромгоҳлардаги фойдаланиш машғулотлар самардорлигини оширишга шубҳа йўқ.

**Муножат МҶМИНОВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**



15 июнь — Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил топган кун

# ШХТ БИРДАМЛИГИ —

# БЕПОЁН МИНТАҚАДА ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ КАЛИТИ



Қобилжон СОБИРОВ, Ўзбекистонда ШХТ Халқ дипломатияси маркази директори

## Бошланиши 1-бегда

Хавфли жараёнлар давлат доирасидан четта чиқиб бораётган бир пайтда муаммолар гирдобидан қандай қутулиш мумкин? Инсоният қайси йўлни танласа, дунё мамлакатларининг дўстона муносабатларида изчиллик шаклланади? Саъй-ҳаракатлар муайян давлатни қамраб олса, мақсадга эришиш мумкинми ёки глобал ечимни давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигида қидириш зарурми?

Бу каби саволлар бўйича жавоблар ҳам хилма-хил бўлмоқда. Қувонарлиси шундаки, Ўзбекистон етакчиси глобал муаммолар ечими сифатида “конструктив мулоқот ва ҳар бир тарафнинг манфаатларини ҳисобга олиш ва ҳурмат қилишга асосланган кўп томонлама ҳамкорлик”ни илгари сурган. Бу таклифда инсонни улуғлашга, мураккаб синовлардан ўтиб келган тарихий қадриятларни сақлашга хизмат қилувчи илгор гоялар, яъни фақат ўзаро ҳурмат, ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган инклюзив ёндашувларгина замонавий халқаро ҳамкорлик конструкциясини мустаҳкамлашга, адолатли дунё тартиботини шакллантиришга, ўзаро ишонч ва хавфсизликни таъминлашга қодирлиги муҳим бўлган.

## Мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш таянчларидан бири

Сиёсий қутбилик, иқтисодий боғлиқлик, ахборот глобаллашуви каби жараёнлар бугунги халқаро муносабатларда муҳим мазмунга эга. Халқ ижодига мансуб “бирлашган ўзар” ибораси глобал дунёда ҳам ўз қадрига эга экани бугун яққол намойён бўлмоқда. Хусусан, бирор давлатнинг устувор қутбга эга бўла олмаганини сўнги ўн йиллик тарих исботлаб берибди.

Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик замонавий дунёга мос ҳолда турли жаҳдаларда йўлга қўйилмоқда. Минтақавий хусусиятга эга халқаро тузилмалар шулар жумласидан. Хусусан, минтақавий ташкилотлар аъзо давлатларга нафақат халқаро майдонда умумий қоида ва ҳулқ-атвор нормалари бўйича ўзаро келишиш, балки келишувнинг ижросини таъминлаш бўйича ҳам муроса қилиш имконини беради.

Мамлакатлар ўртасидаги ўзаро аниқлашувни янада мустаҳкамлаш, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-сотикни кенгайтириш, маданий-гуманитар алмашинуви рағбатлантириш, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган айрим келишмовчиликни енгиб ўтишда ҳам ёрдам беради.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда янги глобал можароларнинг олдини олиш учун мўлжалланган халқаро институтлар ташкил этилиши эътиборга лойиқ тарихий фактлардан биридир.

БМТ ташкил этилиши бунга яққол мисол. Шу билан бирга, ўзаро зиддиятли вазиятлар силсиласида фаолият кўрсатган НАТО ва Варшава шартномаси ташкилоти ҳам ушбу таҳдиқали даврнинг маҳсули.

Йиллар сайин халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий архитектурага эскириб бораётгани, халқаро институтларга хос тамойиллар ҳам сезиларли тарзда янгиланаётгани, ўзгаришлар айрим ҳолларда амалдаги халқаро тартиботта жиддий таҳдид солаётгани кузатиш мумкин.

Глобал сиёсат хавфли беқарорлик белгиларини намойён этаётганини инобатга олданим бўлса, халқаро ташкилотларнинг ўрни ва имкониятларини танқидий қайта кўриб чиқиш энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Шу билан бирга, халқаро институтлар ўрни ва роли заифлашган ҳозирги кунда кўп томонлама фаолиятга асосланган

замонавий институтлардан бири бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти глобал сиёсий ва иқтисодий тизимнинг ажралмас қисмига, жаҳонда барқарор ва адолатли тартиботни таъминлашнинг мустақкам таянчларидан бирига айланмоқда.

ШХТ маданий-цивилизациявий қарашлари турлича мамлакатларни бирлаштира олган, турли қадрият ва турмуш тарзига эга халқлар ўртасидаги бир-бирини тушуниш ва ўзаро ҳурматни, маънавий яқинлашув ва гуманитар ҳамкорликни фаол равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, “... бу фақат қимматли бойлик эмас, балки бизнинг бепоён минтақамизда тинчликни сақлашнинг калитидир”.

Чорак аср мобайнида Евроосиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш ва иқтисодий ҳамкорлик билан бирга гуманитар мулоқотни ривожлантириш ШХТ таъсис ҳужжатларида мустақкамланган устувор фаолият йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

“Катта ШХТ оиласи”га мансуб мамлакатлар ўртасидаги дўстона ва ишончли муносабатлар, кўп асрлик алоқалар, халқларнинг маданий ва дунёқараш жиҳатдан яқинлиги улар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустақкам ва ўзаро асоси ҳисобланади. Мамлакатларнинг бой тарихи ва яқин цивилизациявий алоқалари ташкилот ичидagi кенг миқёсдаги маданий-гуманитар ҳамкорликни объектив равишда олдиндан белгилаб беради. Шу нуқтан назардан, бир неча асрлар муқаддам ШХТга аъзо давлатлар Буюк ипак йўли орқали ўзаро боғланганини ёдга олиш ўринлидир.

Бошқа халқларнинг тили, урф-одатлари ва умумий қадриятларини билиш орқали миллий маданиятлар ҳақида ижобий тасаввур уйғонди, уларга нисбатан бағрикенглик шаклланади, натижада турли миллатга мансуб одамлар ўртасида ишонч пайдо бўлади.

ШХТ мамлакатлари ўртасида гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш унинг таъсис ҳужжати ҳисобланган ҳартияда алоҳида таъкидланган. Ташкилотнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Бу ҳақда ШХТ Бош қотиби Нурлан Ермеқбаев ўтган йили Пекинда гуманитар алмашинувлар бўйича бўлиб ўтган “Уйғунлик ва бирлик: келажакни биргаликда яратиш” мавзусидаги форумда алоҳида таъкидлади.

Сўнги 25 йил мобайнида ШХТга аъзо давлатлар ўзаро маданий алмашинувларни изчил кенгайтирди. Бир қатор ҳамкорлик механизмлари ишлаб чиқилди. Ўзаро мулоқотнинг замонавий платформалари яратилиб, нафақат ташкилот, балки унинг таъсир доирасидан ташқарида ҳам муҳим аҳамият касб этувчи қўллаб-йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Ташкилотнинг энг муҳим ютуғи бунёдкорлик фалсафасига қатъий содиқлик, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун очилик, учинчи давлатларга қарши йўналишмаслик, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари, ўзига хослигини ҳурмат қилишдир.

ШХТ халқаро ҳуқуқ ва кўп томонламалик тамойилларини, шунингдек, муайян мамлакат ёки маданиятнинг ҳукмронлигисиз маданий-цивилизациявий хилма-хилликни эътиборга олишни биринчи ўринга қўйди. Бинобарин, ШХТ турли йўналишли блоклар тузиш, мафқураштириш ёки қарама-қаршилик каби ҳулқ-атвор моделларини истисно қилади.



Президентимиз таъбири билан айтганда, ШХТ фаолияти муваффақиятининг асосий шарти халқлар ўртасидаги ишончнинг мустақкамланиши, ўзаро манфаатларни инобатга олиш, тенг ҳуқуқлилини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари “Умумий қадриятимиз, биргаликда ривожланишга интилишимиз, маданиятлар хилма-хиллигига ҳурматимиз ифодаси бўлган кўп томонлама ҳамкорликнинг ноёб тажрибаси — “Шанхай руҳи”ни мустақкамлаш бугун ҳар қачонгидан муҳим” эканини эътироф этган.

Президентимиз саъй-ҳаракатлари туяйли Ўзбекистон 2017 йилдан бошлаб ШХТ



доирасида ҳамкорликни ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Сўнги ўн йил ичида мамлакатимиз етакчиси ташкилот саммитларида 70 дан ортққ муҳим ва долзарб ташаббусни илгари сурди. Бу ташаббуслар нафақат хавфсизлик, балки иқтисодий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар, туризм соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам йўналтирилган.

Ушбу фаоллик Ўзбекистонга ташкилот кун тартибининг шакллантириш, муҳим қарорлар қабул қилиш жараёнида самаралроқ иштирок этиш, шу орқали минтақавий ҳамкорлик сари прагматик ечимларни жорий этиш имконини берди. Ўзбекистоннинг минтақавий инзолари ҳал этиш, мулоқот ва маслаҳатлашувларни ривожлантиришдаги конструктив роли барча иштирокчилар томонидан эътироф этилди. Бу эса Ўзбекистоннинг ишончли ва тинчликсевар давлат сифатидаги макомини халқаро миқёсда янада мустақкамламоқда.

## Марказий Осиё руҳи

ШХТ ҳақида гап кетганда, яна бир муҳим жиҳат — Марказий Осиё давлатлари иштирокининг ўзига хослиги алоҳида эътиборга молик.

Иқтисодий ривож бўйича дунё пешқадамларидан ҳисобланган Россия, Хитой, Ҳиндистон каби улкан юртларни боғлаб турган бу макон минг йиллик тарих мобайнида яхлит бўлиб келгани, уларнинг халқаро даражада тобора жиқлашиб бораётгани, айниқса, кейинги ўн йиллик мобайнида шаклланган ришталар бугун ўз сўзини айтмоқда.

Жумладан, 2021 йилдаги ШХТнинг Душанбе декларациясида Марказий Осиё Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ядроси — марказий манбаси экани тасдиқлангани бунга яққол далилдир.

Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликнинг узлуksиз таъминланаётгани, бу борадаги саъй-ҳаракатлар узокни кўзланган

сиёсатнинг намунаси экани мазкур ҳужжатда очик тан олинган. Кейинги йилларда “5+” форматига ўтаётган қатор давлатларо учрашувлар айнан Марказий Осиёга нисбатан ҳар томонлама қизиқиш кучайганини англатади. Назаримизда, бундай халқаро эътироф негизини дунё давлатларида юз бераётган ўзгаришлар эмас, айнан Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлигида жадал рўёбга ошаётган жиқлик, ўзаро муносабатлардаги мустақкам ишонч, сўзсиз тенглик ва яхши қўшничилик тамойиллари ташкил этади.

Нисбатан қисқа муддатда минтақавий ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг самарали механизмига айланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг еркин тисмонидир. Ушбу учрашувлар Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажакига дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Нисбатан қисқа муддатда минтақавий ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг самарали механизмига айланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг еркин тисмонидир. Ушбу учрашувлар Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажакига дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Президентимизнинг 2025 йил 13 ноябрда чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида “... бугунги кунда ҳамкорлигимизни мустақкамлаш шунчаки

сиёсий мақсад эмас, балки стратегик зарурат” экани таъкидланган. Мана шу аснода жаҳон сиёсатшунослигида минтақавий ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланганини ифодаловчи “Марказий Осиё руҳи” ибораси пайдо бўлди.

Минтақа давлатлари Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларини ҳал этиш, Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш ташаббусларини илгари суриш юзасидан Евроосиёда янги турдаги муносабатларни шакллантиришга самарали ҳисса қўшмоқда. Давлатлараро муносабатларда табиий муаммолар билан биргаликда нотабиий, инсон омилли натижаи ўларок юзага келадиган масалаларнинг ечимини топиш ҳам муҳим



Саволлар туғилиши табиий: ушбу интеграцион бирлашма ўзаро тенглик ва толерантлик тамойилларига асосланган бўлишига қарамай, нима учун қутилган самарани бермаган? Бугунги Марказий Осиёнинг қайси жиҳатлари аввалги муҳитдан фарқли?

Айтиш мумкинки, ҳозирги Марказий Осиёнинг янги босқичдаги уйғониш даври халқароимизнинг умумий мақсади — тинч, барқарор, фаровон ва очик минтақани барпо этишга амалда хизмат қилмоқда. Назарий режалар халқнинг кундалик ҳаётида рўй бермоқда.

Бир-бирига қон-қардош эларнинг ўзаро борди-келдиси нуқтаи назаридан қараганда, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги чегара расмийчилиги мавжуд эмас деб айтса бўладиган даражада очикланди.

Том маънодаги миллатларо самимий дўстона алоқаларни таъминлаш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда ҳам, шунингдек, ҳар бирининг ички сиёсатида ҳам бир маромада амалга оширилмоқда.

Мазкур йўналишдаги энг улғувтор куч ушбу юртлар раҳбарлари — мамлакатлар Президентлари бирдамликда шаклланиб, халқлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётган бирлик, ишонч ва ўзаро эҳтиром тамойилларидир.

Нисбатан қисқа муддатда минтақавий ҳамкорлик ва ишончли мулоқотнинг самарали механизмига айланган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари минтақамизда бўлаётган ўзгаришларнинг еркин тисмонидир. Ушбу учрашувлар Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти ва келажакига дахлдор стратегик масалалар бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун асосий мулоқот майдони сифатида шаклланди.

Президентимизнинг 2025 йил 13 ноябрда чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида “... бугунги кунда ҳамкорлигимизни мустақкамлаш шунчаки

ўзаро ишончга асосланган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, дунё мамлакатлари, хусусан, қўшни давлатлар билан тинч-тотувлик тамойили асосида мулоқот қилиш, фақат давлатларо эмас, балки халқларнинг кенг қатламлари ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни ҳам кенгайтириш бугунги замоннинг асосий талабларидан биридир.

Шубҳасиз, ШХТ роли ва нуфузининг янада мустақкамланиши аъзо давлатларнинг “Шанхай руҳи”га, ташкилот тамойиллари ва қадриятларига содиқлигига боғлиқ.

Хитой етакчиси Си Цзиньпин “Шанхай руҳи”нинг ўта муҳимлигига эътибор бериб, “Ташкилотнинг асосий қиймати ва умумий концепцияси сифатида “Шанхай руҳи”га доимий равишда риоя қилиш, уни глобал жараён ва ташкилотнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда даврнинг янги мазмуни билан доимий равишда бойитиш муҳим”лигини қайд этган.

Ўзаро ишончга асосланган халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, дунё мамлакатлари, хусусан, қўшни давлатлар билан тинч-тотувлик тамойили асосида мулоқот қилиш, фақат давлатларо эмас, балки халқларнинг кенг қатламлари ўртасидаги маданий-гуманитар алоқаларни ҳам кенгайтириш бугунги замоннинг асосий талабларидан биридир.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасида узок муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқматлари ўртасида маданий соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим каби ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, ШХТ халқ дипломатиясини ривожлантиришга, нодавлат алмашинувлар тармоғини яратиш, муноғазам турли тadbирлар ўтказиш ва бир қатор лойиҳаларни амалга оширишда давом этмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларини ШХТдаги жараёнлар ва унинг доирасида қабул қилинган қарорлар ижросига кенг жалб қилиш ўзаро салоҳиятимизни янада юксалтиради ҳамда самарали ҳамкорлик учун янги уфқларни очади. Айниқса, аёллар, ёшлар ташкилотлари, академик доиралар, ишбилармонлар, спорт жамоалари ва ижодий гуруҳлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш халқароимизни янада яқинлаштириш билан бирга яқдиллик, тинчлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорликни мустақкамлайди.

Оқоридидаги фикрларга асосланган қуйидаги таклифлар юртимиз ва минтақада халқ дипломатиясини янада муваффақиятли амалга ошириш бўйича қўшимча омил бўлиб хизмат қилиши мумкин:

— ШХТга аъзо давлатларда халқ дипломатияси амалиётининг ягона маълумотлар базасини яратиш ва ННТлар, таҳлил марказлари, олий таълим муассасалари ва ёшлар ташкилотлари ўртасида тажриба алмаштиш мақсадида “Барқарор келажак учун мулоқот” онлайн платформасини ишга тушириш;

— ННТларни соҳага кенг жалб этиш, уларнинг илгор лойиҳаларини омаллаштириш мақсадида ҳар йили “Халқ дипломати” халқаро танловини ўтказиш;

— хотин-қизларнинг жамоатчилик ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, етакчилик қўнимчаларини мустақкамлаш ва халқ дипломатиясида уларнинг ролини янада оширишга қаратилган семинарлар, маҳорат дарслари ва таълим дастурларини ўз ичига олувчи “ШХТ: аёллар овози” лойиҳасини ишга тушириш;

— Марказий Осиё ва ШХТ мамлакатларида ўтказилаётган қаро фестивал ва кўргазмалар “маданий ҳаритаси”ни яратиш;

— атроф-муҳит ҳақида хабардорлик ва муҳофаза қилиш учун масъулиятини ошириш ҳамда халқаро экологик ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган “ЭКО-ШХТ” ва “Табиат — жамият — инсон” лойиҳаларини доирасида экологик акциялар, семинарлар ва таълим тadbирларини ўтказиш, таниқли олимпиад, маданий ва жамоат арбобларининг тажриба алмаштиши ва ҳамкорлигини мустақкамлаш мақсадида “SCO Exchange” лойиҳасини амалга ошириш;

— хусусий сектор ва халқаро молия институтларини мазкур лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга жалб қилиш механизмларини жорий этиш.

Хулоса қилиб айтганда, халқ дипломатияси турли давлатлар халқларининг ўзаро муносабатларини янада яхшилашга қаратилган, иккинчи томондан, ҳар бир давлатдаги халқларнинг ўзаро ички турмуш тарзида ҳам бирдамликни улуғловчи ва юракларини илҳомлантирувчи туғилғудир.

Халқаро нотинч вазиятда давлатларо муносабатларни барқарорлаштирувчи, дўстлик ва маданий уруғини экувчи халқ дипломатиясининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланишимиз керак.

## Халқ дипломатияси — энг мақбул йўл

Расмий Тошкент халқлар ўртасидаги ишончли мустақкамлаш, давлатларо ўзаро тушунишни чуқурлаштириш, уйғун

#### Президент қарорлари – ҳаётда ва назоратда

# РАҚАМЛИ ЕЧИМЛАР, ИЖРО ИНТИЗОМИ – ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ГАРОВИ



uzuz.uz\_news uzuz.uz\_news

барча электрон хизматлар ягона платформага бирлаштирилди.

Ҳар бир фуқаро ёки тadbirkор телефони орқали "Soliq" мобил иловасидан фойдаланиб, солиқ соҳасига оид барча саволларига жавоб олиши, солиқ мажбуриятини бажариши, тadbirkор эса бизнес жараёнини кузатиб бориши, бизнес ҳамкорларини ўрганиши ва танлаши мумкин.

"Soliq" мобил иловасидан бугун амалда 17,4 миллион фуқаро рўйхатдан ўтган. Шундан 16,3 миллиони доимий фаол фойдаланмоқда.

Жумладан, "Солиқ тўловчининг шахсий кабинети"га 2025 йил давомида қарийб 406 минг маротаба, 2026 йилнинг ўтган даврида 172 минг маротаба мурожаат қилинган.

Ушбу яратилган шарт-шароитлар аҳоли ва тadbirkорлик субъектлари учун солиққа оид масалаларни масофадан туриб ҳал қилиши имконини беради.

#### Фуқаролар мурожаати эътиборсиз қолмайди

Солиқ хизмати органларида фуқаролар мурожаатлари электрон ҳужжат алмашиши тизими орқали "Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат", "Солиқ кўмитаси раисининг виртуал қабулхонасига мурожаат", "Ишонч телефони орқали мурожаат" каби тоифаларга ажратилган ҳолда ижрочиларга тезкорлик билан етказилади.

Шунингдек, солиқ хизмати органларида ташкил этилган мурожаатлар ижроси бўйича масъул бўлима томонидан ҳар бир мурожаат солиқ органига келиб тушганидан то унда келтирилган масала ҳал этилгунга қадар назорат қилиб борилади.

Шу билан бирга, муаллиф "Солиқ тўловчининг шахсий кабинети" орқали электрон кўринишида юборган мурожаатининг ижро этилиши ҳолатини кузатиб бориши имконияти яратилган.

Бундан ташқари, Солиқ кўмитасида ижтимоий тармоқлар (facebook, telegram) орқали фуқаролар юбораётган мурожаатлар, кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилаётган солиққа оид мунозараларни масалаларни тезкорлик билан кўриб чиқиш ҳам тизимли йўлга қўйилган.

Айниқса, масъул ходимлар "24/7" форматда ижтимоий тармоқлари кузатиб боради ва солиқ органларига тегишли ҳар қандай маълумот пайдо бўлганда дарҳол жавобини тайёрлаш учун ижрочига етказилади. Шу тарзда 2026 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий тармоқлардаги 26 та шарҳга тезкор, узоғи билан 2-3 соатда расмий муносабат билдирилди.

"Солиқ органлари билан қайта алоқа" ахборот тизими орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Бунда қулиқ келиб тушган мурожаатлар тезкорлик билан тегишли тузилмаларга йўналтирилиб, 1-3 кун оралиғида ижросини таъминлаш назоратга олинган. Жорий йилнинг ўтган даврида 27,4 минг жисмоний ва юридик шахслардан мурожаатлар келиб тушган ва улар ўз вақтида ижобий ҳал этилган.

Жорий қилинган ушбу тизимга мувофиқ ҳар бир мурожаат шахсан кўмита раиси назоратида. Энг муҳими, Солиқ кўмитасида мурожаатларга тезкор жавоб берилиши билан бирга энг кўп учрайдиган саволлар таҳлил қилиниб, шу асосда солиқ органларининг бизнес жараёнини тақомиллаштириб бориш стратегияси йўлга қўйилган.

Хуллас, бугун ишонч билан айтишим мумкин, солиқ хизмати органлари ходимлари ҳар бир мурожаат, қонун ҳужжатлари ва топшириқлар замирида инсон тақдири мужассам эканини тўлақонли ҳис этади.

Солиқ кўмитаси жамоаси ижро этувчи орган сифатида топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши, мазкур йўналишда мустақам ижро интизомини жорий қилиш борасида тизимли иш юритади.



Фаррух ПУЛАТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Солиқ кўмитаси раиси

#### Бошланиши 1-бетда

Шу мақсадда ҳар бир раҳбар ва ходимнинг аниқ ҳисобдорлик, шахсий масъулият ва жавобгарлигини янада оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 июлдаги "Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустақамлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борадаги амалий ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Жумладан, таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида "Ijro.gov.uz" тизимида Солиқ кўмитасининг 525 та назоратдаги топшириғи мавжуд бўлиб, шундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 412 та, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 59 та, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган 54 та топшириқнинг ижроси тўлиқ таъминланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 13 март куни ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар мажмуасининг бошқарув тизими, айниқса, ижро интизомини мустақамлаш ва аҳоли мурожаатлари билан ишлашда янги босқични бошлаб берди.

Мазкур йиғилишда Президентимиз томонидан ижро интизому фақат "қоғоз тўлдирини" эмас, балки қарорларнинг ҳаётдаги ижросини таъминлашдан иборат экани алоҳида таъкидланди. Шу боис, бугун солиқ тизимида барча топшириқ ҳамда солиқ тўловчилардан келиб тушадиган мурожаатлар ижроси юзасидан "қатъий назорат ва шахсий масъулият" тамойили асосида иш юритилмоқда.

Дарҳақиқат, юксак ривожланиш даврида давлатимиз сиёсати лавозимидан қатъий назар, ҳар бир раҳбар юзага келган муаммо ёки вазифа билан ишлаши, ҳар бир ҳужжати ишлаб чиқишда жойига чиққан ҳолда ўрганиши, аҳоли ва тadbirkорлик субъектларининг фикрларини тинглаши ҳамда имкониятларни таҳлил қилиши лозим.

#### Масъулият, тартиб, натижадорлик

Солиқ кўмитасига келиб тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича ҳар ҳафтанинг душанба кунлари — мустақил тузилмалар раҳбарлари, чоршанба кунлари — раис ўринбосарлари ва жума кунлари — кўмита раиси томонидан шахсан

масъул ижрочилар билан муҳокама ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнидаги ёндашув тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Энди таркибий тузилмалар томонидан киритилаётган тақлифларнинг мавжуд имкониятларга мувофиқлиги ҳудудларни ривожлантириш ҳамда иқтисодий соҳаларни таҳлил қилиш тузилмалари томонидан жойларга чиққан ҳолда ўрганилади.

Шундан сўнг методология ва юридик хизмат тузилмалари томонидан лойиҳанинг Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги бўйича ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда стратегик режалаштириш тузилмаси томонидан халқаро тажрибалар ўрганилган ҳолда тегишли тузил-

ижрочиларига етказилади ҳамда уларнинг кейинги ҳолати назорат қилиб борилади.

Солиқ хизмати органларида ижро интизомини мустақамлаш мақсадида 2015 йилдаёқ иш юритишнинг ички жараёнлари тўлиқ

топшириқлари", "фуқаролар мурожаати", "ички фармойиш" каби тоифалар бўйича алоҳида назоратга олинган ҳолда юритилади.

Топшириқлар ижроси бўйича Солиқ кўмитасининг ташкилий назорат тузилмаси

“Масъул ходимлар “24/7” форматда ижтимоий тармоқларни кузатиб боради ва солиқ органларига тегишли ҳар қандай маълумот пайдо бўлганда дарҳол жавобини тайёрлаш учун ижрочига етказилади. Шу тарзда 2026 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий тармоқлардаги 26 та шарҳга тезкор, узоғи билан 2-3 соатда расмий муносабат билдирилди.



малар билан биргаликда иқтисодий ва молиявий таҳлиллар тайёрлаб берилади.

Мазкур жараёнлар ўтказилгандан кейин фикр ва мулоҳазаларни тўплаш мақсадида матбуот хизмати томонидан лойиҳа билан режалаштирилаётган ўзгаришлар ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Шундан кейингина яқини ҳужжат келиши учун маънафаддор ташкилотларга юборилади. Солиқ кўмитасида ижро интизомини ушбу тартибда йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир тузилмада масъул ижрочилар белгиланди ҳамда улар билан зарурий тренинг ва семинарлар ўтказилди.

Бундан ташқари, Солиқ кўмитаси марказий аппаратининг ташкилий тузилмасида қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси устидан назоратнинг мутлақо янги тизими жорий қилинди.

#### Автоматлаштирилган назорат тизими

Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг янги тизими жорий қилиниб, ижро интизому устидан назоратни амалга оширувчи органлар сони ва уларнинг ваколатлари оширилган. Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилиши бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги томонидан "Ijro.gov.uz" тизими орқали юритилмоқда.

Ушбу тизим орқали назоратга олинган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар барча ташкилотларнинг раҳбарияти ва масъул

автоматлаштирилиб, электрон ҳужжат алмашиш тизими жорий этилган.

Мазкур тизим орқали қонунчилик ҳужжатлари, Президент ва ҳукумат топшириқларидан тортиб, барча ички идоравий ҳужжатлар электрон рўйхатдан ўтказилади ҳамда масъул раҳбарлар томонидан топшириқнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уларни имкон қадар қисқа муддатда ва натижавий бажариш тўғрисида резолюция қўйилган ҳолда ижрочига йўналтириш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, ушбу автоматлаштирилган тизим орқали солиқ органларида ҳужжатларни қоғоз шаклида келиши ва имзолаш амалиётига тўлиқ чек қўйилган. Шу билан бирга, электрон рақамли имзо калитидан фойдаланган ҳолда махсус мобил илова орқали ижрога келган ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижрога қаратиш ва назоратдан чиқариш имкониятлари яратилган бўлиб, бу кўмитада иш юритишнинг сезиларли даражада тезлаштиришига имкон берди.

Энг аҳамиятлиси, ҳар бир ҳужжат ва топшириқ мазкур тизим орқали қисқа муддатда масъул ижрочиларга етказиб берилади ва топшириқнинг ижро этилиш ҳолати реал вақт режимида кузатиб борилади.

Шунингдек, Солиқ кўмитасида барча ҳужжат ва топшириқлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари", "юқори ташкилот

томонидан горизонтал ва ҳар бир тузилма томонидан унинг энг кўйи ҳудудий бўлимига қадар вертикал тартибдаги назорат тизими йўлга қўйилган.

Бундай тизим раҳбар ходимларнинг шахсий масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш, мураккаб шароитларда вазифанинг тўлиқ ва сифатли бажарилишини назорат қилиб бориш имконини беради.

#### Баҳолаш кўрсаткичлари асосий мезон

Ижро интизомини мустақамлашда тизимдаги ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш, қатъий интизом ўрнатилиш, уларда касбий гуруҳ, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳалоллик ҳиссини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ органларидаги рақамлаштириш, фаолиятни манзилли ташкил этиш ва бошқа ислохотлар ҳар бир ходимнинг аниқ иш ҳажми ва унинг самардорлигини оширишга хизмат қилди.

Хусусан, солиқ органларида масъул ижрочилар томонидан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг сифатли бажарилишини рақамли назорат қилиш

ҳолаш кўрсаткичлари бўйича ижрочи ходимлар рағбатлантирилади ёки интизомий жазо чоралари кўрилади.

Солиқ хизмати органларида ижро интизомини масъул ходимларнинг билими ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Иш самардорлигига эришишнинг яна бир муҳим омил — ходимларни меҳнат қонучилигига мувофиқ иш вақтидан ташқари мажбуран ишга жалб этмаслик.

Солиқ хизмати органларида ходимларнинг ишга келиб-кейтиши маъмурий бинога кириш ва чиқиш вақтини қайд қилишнинг электрон тизими орқали назорат қилинади. Шу мақсадда барча ходимларга белгиланган иш соатларидан ортинча вақт ишда қолиши улар юклатилган вазифани ўз вақтида бажара олмаслиги ва лаёқатсизлиги сифатида баҳолашни етказилди.

#### Барча электрон хизматлар ягона платформада

Солиқ хизмати органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнининг автоматлаштириш орқали соҳада инсон ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда топшириқларни тезкорлик билан бажаришга эришилмоқда.

Хусусан, солиқ органларини "хизмат кўрсатувчи" юқори технологияли ташкилотга трансформация қилишни давом эттириш мақсадида 2026 йилнинг биринчи ярмида бир қанча янги ахборот тизимлари амалиётга жорий этилди.

Солиқ органлари томонидан аҳоли ва тadbirkорлик субъектларига кўрсатиладиган

# ХОРИЖ БОЗОРИГА ТАРВУЗ ЭКСПОРТИ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

## Аграр тармоқ

Авваллари Қашқадарёда эртапишар тарвуз ҳақида гап кетса, энг аввало, кўкдалалик миришкорлар тилга олинарди. Бугун бу ташаббус кенг қулоч ёзиб, қўшни туманларда ҳам жорий этилмоқда. Натижада эрта баҳордаёқ пишиб етиладиган махсулот ташқи бозорларга чиқарилиб, деҳқонларга юқори даромад келтирмоқда. Аҳолининг бандлиги ҳам таъминланмоқда.

Жумладан, кейинги йилларда Косон туманидаги Раҳимсўфи, Андабозор, Хўжақудуқ ва Яқкасарой қишлоқларида тарвуз етиштириш салмоғи ошган. Ҳосил ички бозор билан бирга хорижга ҳам сотилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида мазкур ҳудудлардан экспорт қилинган тарвуз қиймати 1 миллион доллардан ошди. Бу эса маҳаллий деҳқонларнинг меҳнати халқаро бозорларда ҳам муносиб баҳоланаётганини кўрсатади.

150-170 метр чуқурликка қудуқлар қазилиб, насослар ўрнатилди. Деҳқончилик учун муҳим бўлган сув муаммоси ҳал этилгач, ҳаракат бошланди. Натижада йиллар давомида қаровсиз ётган ерлар ҳосилдор майдонларга айланди. Ҳўр бағри яшилликка бурқанди. Ишиси юрган аҳоли бандлиги таъминланиб, оилаларга даромад кириб борди. Одамларнинг турмуш тарзи яхшилана бошлади.

Туманининг чекка манзилларида бири бўлган Раҳимсўфи қишлоғида бугун катта майдонда тарвуз етиштирилмоқда. Жумладан, шу қишлоқлик илгор деҳқонлардан бири Жаҳонгир Бойматов бу борада юқори натижага эришганди. Бундан анча йил олдин синов тариқасида 50-60 сотих ерда тарвуз экиб кўрган бўлса, бугун 5 гектар майдонда махсулот етиштирилмоқда. Даромадининг чўғи бандид. Шу йўналишда иш бошлаётганлар билан ҳам тажрибасини ўртоқлашиб келмоқда.

— Айнан шу йўналиш билан қарий ўн уч йилдан бугун шугулланамиз. Ҳалол меҳнатнинг нони ширин. Бировдан кам бўлганимиз йўқ, — дейди Жаҳонгир Бойматов. — Илгари

фақат кечки тарвуз экардик. У лалми бўлгани учун кўп вақт талаб этарди. Об-ҳаво яхши бўлсагина кутилгандек ҳосил олардик. Эртани навни экишга ўтганимиздан сўнг яхши даромад топганимиз. Бунга ҳаракат киш фаслидан бошланади. Январда дастлаб кўчатларни стаканда кўкартирамиз. Мартнинг бошларида эса плёнка остига эка бошлаймиз. Майнинг охирига келиб, дастлабки ҳосилни йиғиб оламиз. Бу йил 200 тонна атрофида ҳосил олишни режа қилганмиз.

Деҳқоннинг айтишича, юқори ҳосилдорликка эришиш учун агротехник талабларга қатъий амал қилинади. Хусусан, бир майдонга кетма-кет тарвуз экишдан воз кечилиб, алмашлаб экиш усули қўлланади. Бу эса тупроқ унумдорлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда муҳим. Яна бир жиҳати — имкон даражасида маҳаллий ўғитдан фойдаланиш самара беради.

Деҳқончиликда зamonaviy ресурс тежовчи технологиялар кенг жорий қилинмоқда. Қудуқ насослари учун зарур электр энергияси қуёш панеллари орқали таъминланади, сув танқислигининг олдини олиш мақсадида томчилатиб сугориш технологиясидан фойдаланилмоқда. Бу эса ишлаб чиқариш харажати қисқартириш билан бирга экологик барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади. Кам харажат орқали кўпроқ даромад олишга эришилмоқда.



сотишдан майдони мавжуд. Тайёр махсулотни сотиш борасида муаммо йўқ. Харидорлар махсулотни даладан ўзидан олиб кетмоқда. Бу эса деҳқоннинг вақти ва харажати тижайди. Айни кунларда ҳам далада иш қизғин. Ҳар бир пайкал бошида юк машиналари навбат кутиб турибди. Деҳқонлар эса ҳосил мўл бўлганидан мамнун. Пишиқликнинг илк кунларида яхшигина нарҳда сотилган бўлса, бугун тарвуз нарҳи бир оз барқарорлашган.

— Жорий йил биз учун баракали келди, — дейди Жаҳонгир Бойматов. — Ҳар кунни тонналар тарвуз сотилмоқда. Бу мавсум давомида тинимсиз қилган меҳнатимиз

маҳсули. Шунинг ортидан қишлоқларимиз обод бўлмоқда. Турмушимиз фаровонлашди. Аҳолининг бандлиги таъминланди. Айни кунларда яқин атрофдаги қишлоқда бирор кишининг бекор ўтирганини кўрмайсиз. Баъзида қўшни қишлоқлардан ишчи ёллашимизга тўғри келади. Илгари ақсарият ёшлар ишлаш учун хорижга кетарди. Бугун иш излаб, четга кетаётганларни деярли учратмаймиз. Аксинча, одамлар чет элга тарвуз сотиб, бой бўлмоқда.

Қондага кўра, экспортбон махсулот етиштиришда сифат ва хавфсизлик масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, туман

ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлими мутахассислари деҳқонларга ҳаммаи ёрдамга тайёр. Кўчат экишдан тортиб, ҳосил йиғим-теримига қадар фитосанитар назорат ўтказилиб, амалий тавсиялар бериб боришмоқда. Фитосанитар назорат инспектори Элдор Тўраевнинг маълум қилишича, Косон туманида тарвузчиликка қизқиш йил сайин ошиб бормоқда.

— Йилма-йил таҳлил қилиб кўрсак, деҳқонлар тажрибаси ортиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Мисол учун, аввалги йилларда 4500-5000 гектар майдонда тарвуз етиштирилган бўлса, жорий мавсумда бу кўрсаткич 7000 гектарга етди. Бугунга қадар 1 миллион 100 минг долларлик махсулот экспорт қилинди. Тарвузлар асосан Россия, Қозғистон, Қирғизистон, Латвия ва Литва бозорларига етказиб беришмоқда. Бу йилги экспорт режамиз 2 миллион доллар, — дейди Элдор Тўраев. — Меҳнатга яраша даромад топаётган деҳқонлар шашти бандид. Келгуси йилда ҳосилдорлик янада ортади. Бонси, ҳозирдан қўшимча ерларга ишлов бериш бошлаб юборилган. Бу эса экспорт ҳажмининг ошишига хизмат қилади.

Бошқа йўналишлар каби тарвузчилик бугун нафақат қишлоқ ҳўжалиги тармоғи, балки аҳоли фаровонлигини таъминлаётган, янги иш ўринлари очаётган ва экспорт салоҳиятини ошираётган муҳим иқтисодий омилга айланмоқда. Бир пайтлар янтоқдан ўзга нарса ўсмайдиган лалми ердан иборат Раҳимсўфи қишлоғи атрофидаги кенгликлар бугун ям-яшил экан майдонига айланган. Бу манзара инсон меҳнати, изланиши ва тadbirkорлик руҳи маҳсули. Ушбу тажриба қишлоқ аҳолиси учун ердан самарали фойдаланиш орқали муносиб даромад топиш мумкинлигини амалда исботлаб бермоқда. Ҳалол меҳнат ортидан келаётган даромад эса бугун нафақат айрим хонадонлар, балки бутун маҳаллар таррақийётининг муҳим танчига айлиб бораётди.

Акбар РАҲМОНОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Таълим

Бугун дунёда юз бераётган глобаллашув, технологик инқилоб ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар олий таълим тизими олдига янги талабларни қўймоқда. XXI асрда университетлар нафақат билим берувчи муассаса, балки ижтимоий трансформация драйвери, инновацион ривожланиш маркази ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асосий платформаси сифатида фаолият юритиши зарур. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мазкур жараённи тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил ва тахлили фикр юрита оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш белгиланган.



Дилноз РЎЗИЕВА, Бухоро инновациялар университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор

Айниқса, таълимга интилувчан ёшларнинг қаровини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш катта аҳамият касб этмоқда. Бу эса қўлланган мақсадларга эришиш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

“Т-5” тамойили

Президентимизнинг 2026 йил 10 апрелдаги “Олий таълим, фан ва инновациялар тизимини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида “Т-5” тамойили, яъни таълим, тарбия, тадқиқот, тижоратлаштириш ва тизимли такомиллаштириш вазифаси белгиланди.

Дарҳақиқат, олий таълимнинг мазмуни фақат билим бериш билан чекланмай, тарбиялаш, янги билим яратиш, уни амалиётга жорий этиш ва тизимли мунтазам равишда ривожлантиришни ҳам қамраб олади. Ёшлар учун замонавий таълим муҳити яратиш, битирувчиларни меҳнат бозори талабларига тўлиқ мослаштириш, масъулиятли ва жамиятга фойдали шахсларни тарбиялаш, янги билимлар яратиш ва муаммоларга самарали ечим топиш, инновацияларни ривожлантириш ҳамда илмий натижаларни махсулот ва хизматларга айлантириш каби вазифалар янги Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан.

Ушбу жараёнга Бухоро инновациялар университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳам муносиб ҳисса қўймоқда. 2022 йилдан бундан фаолият юритиб келётган мазкур университет Бухоро ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритмоқда. Қисқа муддатда университетда 400 га яқин иш ўрни очилди, ўнлаб фан докторлари етишиб чиқди, юзлаб китоблар чоп этилди. Энг муҳими, 10 мингдан орტიқ ёшга олий таълим олиш имконияти яратилди. Улар орасида турли сабабларга кўра олий таълимдан четда қолган, хорижда ўқиш жараёнида қийинчиликларга дуч келган иқтидорли ёшлар ҳам бор.

2017 йилда мамлакатимизда олий таълимга қаров саккиз фоиз атрофида бўлиб, арзиманган балл етишмаслиги билан абитуриентни билим-сизга чиқариб қўяр эдик. Олий таълимга қаров масаласидаги муаммолар сабабли ёшларимиз хорижда ишга кетар ёки ҳаётининг бир неча йиллини абитуриент сифатида ўтказарди. Яна бир энг ёмон аъёна — одам кам топширгани учун ўзи истаманган йўналишларга ўқишга топшириб, умрини, маблағини беҳуда сарфлаб, охири барибир шу касбда ишламас эди.

Диплом олса бас, қолгани бир гап бўлар

Мамлакатимизда ёшларнинг илм олиши, умуман, ҳар томонлама ривожланиши учун барча шароит мавжуд. Янги нодавлат олий таълим муассасалари кўп йиллик таълимга эга давлат университетлари билан соғлом рақобатга кириша бошлади. Лексин сон ортини сифатга салбий таъсир кўрсатмаслиги масаласи бугун кун тартибига чиқди. Бироқ

ёшлар, ҳатто фарзандининг олий таълим олиши учун пул тўлаётган ота-оналар эндигина мактаб остонасидан чиққан, ўзи танлаган мутахассислигига онд касбий билимлар, кўникмаларни эгаллашга, хорижий тиллар, компьютер технологияларини ўзлаштиришга катта эҳтиёжи бор ёки ўзи истаган йўналишда ҳаммаслақ бўладиган муҳитда бирга ривожланиш имкониятларини ўйламай, “боламага шароит қилиб беринг, бу ишлаб пул топиши керак, диплом олса бас, қолгани бир гап бўлар” деган важлар билан мурожаат қилувчилар ҳам йўқ эмас.

Давлатимиз томонидан олий таълим олиш имкониятлари яратилди, энди ҳеч ким ўзи танлаган касби қолиб, балл кам талаб қилинадиган йўналишга топширишга ҳам мажбур эмас. Танлаш имконияти кенг. Суперконтракт тўламайди, тўғри танлов қила олса бас. Энди одамларимиз бир жиҳатни яхши англаши керак: икки томонлама шартномада билим олувчи пулини тўлайди, таълим муассасаси уни жамиятимизга керакли, рақобатбардош кадр қилиб етказиб чиқариши керак. Номига диплом эмас, таълим муассасаларидан сифатли таълимни талабнинг ўзи талаб қилиши керак!

Бугунги олий таълим тизимида яна бир жуда жиддий муаммога дуч келямиз. Талаба сонининг ортини айрим таълим муассасаларининг бошқарув жараёнидаги тажрибасизликни кўрсатиб қўймоқда. Уттиз беш йилдан



Сунъий йўлдош Мўйноқ шаҳарчасида учурилади

сам. Жамиятга яхши битирувчи бериш учун, энг аввало, ишга яхши ҳодимни олиш керак. Шу боис, университетимизда профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш тизими тўлиқ рақамлаштирилган. Ҳар бир ходим билан меҳнат шартномасига қўшимча “performance agreement” — самарадорлик келишуви тузилади. Университет мақсадларидан келиб чиқиб, ҳар бир профессор-ўқитувчи ва ходим учун самарадорлик кўрсаткичлари белгиланади. Бу тизим фаолият натижаларини

қаратяпти. Талаба кутубхонага мурожаат қилмадими, демак, ўқитувчи уни бу ерга йўналтиришга олмаган. Шу боис, гуруҳларро, йўналишларро, университет микёсида мутахассислик фанларидан оригинал адабиётлар ўқиш бўйича олимпиадалар, мусобақалар тизими йўлга қўйилган. Бу борада талабаларни рағбатлантириш тенденцияси амал қилади. Профессор-ўқитувчиларимизга лойиҳа ишлари, симуляцилар, Blended learning ва Flipped classroom технологиялари, фанларро мусобақалар, мустақил таълим соатлари улушини ошириш талаблари қўйилади. Буларнинг барчаси тизимли таҳлил қилиб борилади.

Университетда сунъий интеллект лабораторияси мавжуд. Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Эроннинг нуфузли университетларидан қатор олимлар билан алоқа ўрнатилган. Сунъий интеллект ва рақамли инновациялар лабораторияси (AI & Digital Innovation Lab) таълим, илм-фан ва бошқарув жараёнида сунъий интеллект ечимларини ишлаб чиқиш, талабалар ва олимларни амалий сунъий интеллект лойиҳаларида фаол иштирок этишга жалб қилиш, университетнинг рақамли трансформациясини тезлаштириш каби вазифаларни бажариб келмоқда.

Сунъий интеллект лабораториясига иқтидорли талабалар танлаб олинди, улар бугун 40 километр баландлика сунъий йўлдош учуриш учун “Ўзбеккосмос” агентлиги, Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда катта лойиҳа устида ишламоқда. Ушбу лойиҳа тақдироти шу йил 28 июнга мўлжалланган ва сунъий йўлдошимиз Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳарчасидан учурилиши режалаштирилган.

Талабалар билимини баҳолаш тизими тўлиқ LMS (Learning Management System) платформасига ўтказилган. Бу эса баҳолашнинг ҳолислиги ва шаффофлигини таъминлайди. Университетимизнинг сиртки бўлими талабаси йилига икки марта келиб ўқишдан ташқари, йил давомида кейинги семестр учун ўқув режада белгиланган фанларни электрон платформа орқали ўқиш, ўзлаштириб боради.

4 миллион долларлик сармоя

Бугун университетимиз дунёнинг 50 дан ортиқ нуфузли олий таълим муассасаси билан академик, илмий ва маданий ҳамкорликни йўлга қўйган. Шундан 13 таси QS World Ranking ТОП-1000 рейтингидagi университетлар. Ҳамкор олий таълим муассасалари Буюк Британия, Жанубий Корея, Латвия, Нидерландия, Малайзия, Индонезия, Туркия, Россия, Қозғоистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби давлатларнинг етакчи муассасаларидир. Жумладан, Индонезиянинг Муҳаммадия университети билан 4 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция қилиниши ва тиббиёт йўналишида қўшма таълим ташкил этиш бў-

йича келишув имзоланган. АҚШнинг LSD логистика компанияси университетни кадрлар тайёрлаш маркази сифатида танлаб, инглиз тилини яхши биладиган талабаларни муносиб маош билан ишга жалб этмоқда.

Шунингдек, Нидерландиянинг Гаага амалий фанлар университети билан академик мобиллик дастури амалга оширилиб, ўқитувчилар алмашинуви йўлга қўйилган. Нидерландиялик ҳамкасбларимиз бизда, бизнинг профессорларимиз Гаага университетига дарс бермоқда. Икки йилдан бундан талабаларимиз олий таълим талабалари ўртасида ўтказиладиган математика олимпиадасида фаол қатнашиб, ватанимизга кумуш, бронза медаллар соғва қилмоқда. Ўнлаб талабаларимиз спорт мусобақаларига тайёрланиб, жаҳон чемпиони бўлди ва контракт суммасидан чегирма ҳуқуқини берувчи ваучерлар билан тақдирланди.

Бухоро инновациялар университети узлуксиз таълим кластерини ташкил этиш билан боғлиқ ўзига хос лойиҳани амалга оширмоқда. Ушбу кластер таркибидagi Бухоро инновациялар академиясида ёшларнинг чет тиллар, табиий фанлар, робототехника, АТ ва сунъий интеллект соҳасидаги билимларини ошириш талаблари билан бирга хўнармандчилик, тикувчилик, 3D моделлаштириш, миллий хўнарлар ва ижодий дизайн бўйича амалий касб-хўнар кўникмаларини шакллантириш назарда тутилган.

Умуман олганда, университет стратегик мақсадлари, инновацион бошқарув тизими ва ривожланиш режалари билан Ўзбекистон олий таълим тизимида муносиб ўринга эга.

Шу ўринда қатор тақлиф ва тавсияларни билдириб ўтмоқчимиз. Сифатли фаолият юритаётган нодавлат университетларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида давлат дастурини ишлаб чиқиш мақсадаги мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Сифат кўрсаткичлари, бошқарув шаффофлиги ва битирувчиларнинг меҳнат бозоридa талабгирлиги асосида сараланган олий таълим муассасаларини манзилли қўллаб-қувватлаш механизмининг жорий этиш зарур. Бундай дастур лабораториялар, рақамли инфратузилма, кутубхона ресурслари, стартап майдончалари ва амалий тадқиқотларни танлов асосида ҳаммолиялаштиришни назарда тутилади. Бу ёндашув нодавлат секторни сифат жиҳатидан мустаҳкамлаб, унинг кадрлар тайёрлашдаги ролини оширади.

Нодавлат университетлар кадрлар салоҳиятини ривожлантириш учун махсус механизмлар яратиши керак. Жумладан, стажировкалар, қўшма илмий лойиҳалар, докторантура грантлари ва педагогик ҳамда рақамли компетенцияларни ошириш дастурлари мумкин.

LMS платформалари учун ягона минимал миллий талабларни белгилаш тақлиф этилади. Бу электрон курслар, баҳолаш тизими, аналитика, қайта алоқа ва таълим мутахассислигини кўра олиш керак.

Таълимда сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланиш бўйича норматив ва методик базани яратиш зарур. Бу академик ҳалолликни таъминлаш ва таълим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Барқарор фаолият юритаётган нодавлат университетлар учун янги таълим йўналишларини лицензиялашни соддалаштириш мақсадаги мувофиқ. Бу уларнинг тезкор ривожланишида кўл келади. Янги таълим йўналишларини “олдиндан маълумлаш” механизмининг жорий этиш орқали университетларга ўз фаолиятини режалаштиришда қўшимча қулайлик яратиш мумкин.

40 йиллик тажрибам асоси

Кўп йиллик тажрибаларимга асосланиб ва таълим сифатини оширишнинг қанчалик муҳимлигини англаган ҳолда таъкидлаб айтмоқчиман: таълим муассасасининг янгилиги ёки янги тизимда ишлаётгани унга “хато қилиш мумкин, вақти билан тuzатилмади” деган ваколат берамайди. Чунки биз бугун таълим-тарбия берган ёшлар тажрибамиз ортанида қайтиб келиб ўқимайди, биз унга бугун диплом берамиз.

Янги университетлар тажрибали кадрларни ишга жалб қилиши керак. Дунё тажрибасини таҳлил қила олиши, рақобатбардош кадр тайёрлаш позициясини мустаҳкамлаш зарур. Вазирлик, идоралар томонидан университетларга нисбатан давлат, нодавлат деган терминологиядан воз кечиш, барчага бир хил талаб, бир хил имконият ва университетларни ривожлантириш чоралари кўрилиши керак.

Нуқтаи назар

Жорий йил 8-9 июнь кунлари Президентимиз ҳузурда ўтказилган икки муҳим тақдимот янги Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган стратегик мантигини яна бир бор яққол намойён этди. Биринчи тақдимотда олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, иккинчисида тоғ-кон sanoати ва геология соҳасига рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллектни жорий этиш масалалари муҳокама марказида бўлди. Бир қарашда икки йиғилиш бутунлай бошқа-бошқадек туюлиши мумкин. Аммо уларнинг замиридаги стратегик мақсад битта — рақобатбардош миллий иқтисодиётни қуриш ва инсон капиталини сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқиш. Давлатимиз раҳбарининг ушбу йиғилишларда илгари сурган гоъялари замонавий тараққиёт моделимизда юқори технологиялар ва инсон омилли бир-биридан ажралмас тушунчаларга айланишини кўрсатди.

КАДРЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИСТИҚБОЛГА ДАХЛДОР ИККИ ЙЎНАЛИШ



Суннатилла ҒОЙИБНАЗАРОВ, техника фанлари доктори

Узоқ йиллар давомида олий таълим тизими фаолиятига баҳо беришда қуруқ рақамлар — талабалар сони, қабул кўрсаткичлари ёки берилган дипломлар миқдори

асосий мезон бўлиб келди. Бугун эса давр бутунлай ўзгарди. Давлатимиз раҳбари қатъий таъкидлаганидек, университетнинг ҳақиқий баҳоси ва натижаси унинг битирувчиси меҳнат бозорига қанчалик хариддоргир экани, қайси соҳада иш қилгани айлангани ва иқтисодиётга қандай реал ҳисса қўшаётгани билан ўлчанади. Бу қараш замонавий дунё таълимнинг асосий қўйилган ҳам тўлиқ мос келади. Чунки XXI асрда таълим муассасаси нуфузи аудиториялар сони билан эмас, балки меҳнат бозоридagi обрўси билан белгиланмоқда. 2026 йилда олийоқуғларимизни 320 минг ёш битириши кўтилмоқда. Бу шунчаки рақам эмас, бу меҳнат бозори ва таълим тизими олдига қўйилган улкан масъулиятдир. Энди олийоқуғ факатгина назарий билим улашувчи маскан бўлиб қола олмайди, у ёшларнинг келажақдаги касбий тақдирини лойиҳалаштириш марказга айланиши шарт. Шу боис, Президентимиз томонидан карьерга марказлари фаолиятини тубдан жонлантириш, “Битирувчи сифати индекси”ни жорий этиш ва дуал таълим тизимини кенгайтириш бўйича белгиланган вазифалар стратегик бурилиш ясаиди. Битирувчининг иш билан таъминланишига энди олийоқуғлар шунчаки қўшимча вазифа сифатида қарай олмайди. Буни

фаолиятини белгилувчи асосий самарадорлик кўрсаткичи деб билади. Тоғ-кон sanoати ва геология соҳасида рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллектни кенг жорий этиш бўйича белгиланган дастурлар мамлакат иқтисодиёти янги технология бўлса, иккинчисида “Ушбу кадрлар қайси иқтисодиёт учун тайёрланяпти?” деган масалага аналитик киритилди. Жаवоб эса битта: рақамли иқтисодиёт, инновацион sanoат ва юқори технологияларга асосланган янги Ўзбекистон учун. Бу борада асосий юк ва масъулият техника йўналишидаги олий таълим муассасалари, хусусан, Тошкент давлат техника университети зиммасига тушади. Университетнинг геология-қидирув ва конметаллургия факультетидagi ишлар давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан тўлиқ уйғунлашган.

Бугун факультетда 3261 талаба таҳсил олмақда. Бу рақамлар ортда шунча олинган умиди, шунча ёш тақдир ва келажати учун университет зиммасидagi улкан масъулият трансформация натижасида sanoатда янги турдаги иш ўринлари пайдо бўлмоқда. Ушбу икки йиғилиш бир нуқтада — инсон капиталига инвестиция киритиш гоёсидаги бирлашадиган. Биринчисида “Қандай кадр тайёрлаш керак?” деган саволга ечим изланган бўлса, иккинчисида “Ушбу кадрлар қайси иқтисодиёт учун тайёрланяпти?” деган масалага аналитик киритилди. Жаवоб эса битта: рақамли иқтисодиёт, инновацион sanoат ва юқори технологияларга асосланган янги Ўзбекистон учун. Бу борада асосий юк ва масъулият техника йўналишидаги олий таълим муассасалари, хусусан, Тошкент давлат техника университети зиммасига тушади. Университетнинг геология-қидирув ва конметаллургия факультетидagi ишлар давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан тўлиқ уйғунлашган.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!





Мустақиллик миллат ва мамлакат тақдирида энг муҳим, энг олий, энг азиз туйғудир. Халқимиз бу йил Ватанимиз истиқлолининг 35 йиллигини нишонлайди. Мен турли даврларни бошидан кеңирган инсон сифатида мустақиллик йилларини шартли равишда иккига ажратган бўлардим. Бу дастлабки 25 йил ва кейинги 10 йил. Агар мазкур йиллар тарозининг палласига қўйиладиган бўлса, шубҳасиз, кейинги 10 йил босиб кетади. Мен бу ҳақиқатни барча масъулиятни бўйинмага олган ҳолда айтганман. Фиримнинг далили сифатида Абдусайд Кўчимовнинг "Юксалиш симфонияси" китобини ўқишни тавсия этаман.

# БУЮК ИШЛАР ЭЪТИРОФИ

Рустам ХОЛМУРОДОВ,  
Самарқанд давлат университети ректори,  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Олий Мажлис Сенати аъзоси



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдусайд Кўчимовнинг мазкур китоби Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 10 йиллик меҳнатини, машаққатини, заҳматини, курашини, метиндек сиёсий иродасини ифода этувчи асардир. Унда, энг аввало, инсонлар тақдирини ўзгартириш, янгилаш, одамларга ишонч бериш, умид уйғотиш, бир сўз билан айтганда, халқимизни рози қилиш йўлидаги курашлар аксини топган.

Президентимиз ҳудудларга ташрифларида, асосан, оддий халқ вакиллари билан учрашиб, қалбига қулоқ тутди, кўнглини сўраб, ҳар бир масалани жойида ўрганиди, муаммога мутасаддилар эътиборини қаратади. Бундай иш усули миллат тақдирида туб бурилиш ясади. Назаримда, тарих учун қисқа бўлган 10 йилда бунча ишни қилишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун инсоннинг юрагида Ватан бўлиши керак. У ватанини, ватандошларини чин дилдан севиши, яхши кўриши керак.

Бугун юртимизда ислохотлар кириб бормасан бирор ҳонадон, қишлоқ, туман, шаҳар қолгани йўқ. Тақдирга тасвир қилмаган инсон ҳам бўлмади. Ҳаттоки хорижда муҳожирилсада да юрган юртдошларимиз муаммоларига ҳам бефарқ қаралмапти.

"Юксалиш симфонияси"да таъкидланганидек, 10 йил давомида Ўзбекистон аграр давлатдан саноатлашган мамлакатга айланди. Мустабид тузум даврида ҳам, қолаверса, мустақиллигимизнинг 25 йилда ҳам қишлоқни саноатлаштира олмаган эдик. Бугун саноатлашмаган бирор та туман қолмади.

Камбағаллар борлигини ҳаммамиз билардик. Лекин бу сўзни айтишдан, ишлатишдан қўрқардик, мумкин ҳам эмасди. Тарихда биринчи марта камбағаллар борлигини ва камбағалликка қарши давлат курашини кераклигини Президентимиз айтди.

"Юксалиш симфонияси" асари кириш қисмида Президентимизнинг куйидаги иқроори келтирилади: "Худо менга соғлиқ бериб, умр берса, бизда камбағаллик ва ишсизлик бўлмайди. Нимага десангиз, бунга мен етти йил умримни тикдим. Тизим яратдим, қонун яратдим, дунёни очиб бердим. Халқим яхши яшасин, ниятлари амалга ошсин, болалари бахтли бўлсин, неваралари соғлом туғилсин, мактаби ишласин, йўллари раво бўлсин деб ишга келдим".

Китоб айнан Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз фаровонлиги, юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз тараққиёти, давлатимиз қудрати борасидаги тарихий хизматларига бағишланган. Давлатимиз раҳбари бизга ҳам ватанини севишни ўргатди. Шу маънода, "Юксалиш симфонияси" ватанпарварлик ҳақидаги асардир.

Китобнинг яна бир муҳим жиҳати, биз шукроналик туйғусини унутиб қўяётгандекми. Ҳамама вақт ҳам тинчлик, тўқинлик, яхшиликнинг қадрига етмайпмиз. Худди шундай бўлиши керакдай қабул қилишга ўрганиб қолдик. Мазкур асар айнан мана шу борада ўзимизни ўзгартириш учун жуда зарур.

"Юксалиш симфонияси"даги биринчи мақола Самарқанд вилоятига бағишланган. Келинг, шу ўринда вилоятнинг биргина Ургант туманида Президентимиз амалга оширган 3 та муҳим лойиҳага эътибор қаратайлик.

Биринчиси, Ургант эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди, иккинчиси, Ургантда олий ўқув юрти очилди ва учинчиси, Ургантга темир йўл қурилди. Тасаввур қилиясизми, бундан 10 йил олдин бундай ўзгаришларни ҳаётга тасаввур ҳам қилиб бўлмадик. Лекин бугун булар ҳаёт ҳақиқатига айланди.

"Юксалиш симфонияси"нинг иккинчи мақоласи бўлиши "Авлиёлар диёри, аллалар юрти — Бухоро!" кўҳна юртва, кейингилари — "Жануб гавҳари" Сурхондарё вилоятига, "Бу ўлкада ҳар нарсаси бордир" Жиззах вилоятига, "Сахро жаҳоҳири" Навоий вилоятига бағишланган.

"Кўёш юрти Хоразм" мақоласи, Қорақалпоғистонга бағишланган "Оппоқ кўкси эзулиққа тўлган эл" ёки Қашқадарё қаламга олинган "Улуғ дарё", Тошкент вилоятини тўла-тўқис кўз олдимизда намоеён этган "Табаррук ташрифларнинг тотли мевалари" ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

"Водий дурдонаси" (Анджон), "Гуллар водийси" (Наманган) ёки "Фарғонага келган турналар" кўн-гилта бир ёруғлик олиб қиради. Сирдарёга бағишланган "Қанча шонинг бўлса — Ватанини кўтар!" мақоласи вилоятга юз бераётган инқилобий ўзгаришлар ҳақида.

"Юксалиш симфонияси"дан жой олган "Президент дархат эммақда" мақоласи қалбимни ларзага солди. Эътибор берсангиз, бу сарлавҳада рамзий маъно бор. Президент эътибор бу дархатлар тириклик дархатларидир, келажак дархатларидир, Ватан дархатларидир.

Французларда бундай гап бор: "Иморатлар қуриладиган бўлса, дархатлар экиладиган бўлса, демек, ҳаммаси жойида".

Мен шу ўринда мазкур асар лойиҳаси раҳбари ва сўзбоши муаллифи, таъкид сибасатшунос Қудратилла Раффиқовнинг меҳнатларини ҳам алоҳида эътироф этишни истардим.

Абдусид Қўчимов улкан, машаққатли юмушини бўйнига олди ва бадири. Бу — Ватан олдидаги бурч, Ватан севгиси, буюк ишларнинг эътирофидир.



Ифтихор

# ЭЛ-ЮРТ ДУОСИ

Тўпни ўнглаб, қия теп!  
Тўрға жойлаб кўя теп!  
"Ўзбекини кўр! Ўзбек зўр!  
Ўзбекистон!" дея теп!

Болам, кўзимнинг нури,  
Сен бўрисиан, бўз бўри.  
Бирлашган куч, бир гала  
Жамоанинг энг зўри.

Осмон кенг, чексиз хаёл,  
Ҳаётнинг ўзи футбол.  
Фалак қуёшни ўйнаб,  
Уфққа уради гол.

Юзма-юз икки очун,  
Оқ ва қора куну тун.  
Ғалаба қилмоқ керак  
Халқ учун, Ваган учун.

Бир, икки, уч... Яна шанс —  
Учинчи Ренессанс.  
Икки Ренессанс ютдик,  
Бу учинчи сеанс.

Дунё шундай кенг бўлсин,  
Ҳакам кўзи ўнг бўлсин.  
Ютгин-у, ютқизмагин!  
Бошинг тоғдек чўнг бўлсин!

Туркийсан, зотинг бўри,  
Жамоанг, отинг бўри.  
Алпомишнинг отаси  
Бўри, Бўри, Бойбўри!

Офтоб юмалоқ копток,  
Копток юмалоқ офтоб.  
Офтоб копток юмалоқ,  
Юмалоқ копток офтоб.

Юракка ғам солдирма!  
Майдонни бўш қолдирма!  
Рақибга тўпни берма,  
Ер шарини олдирма!

Осмон ўзбекнинг ори,  
Дунёнинг бўш қолдирчи.  
Илгор жамоа тузди  
Янги замон меъморчи.

Ўнгдан келади ҳамла,  
Чапдан келади ҳамла.  
Қайтар, ҳамлани қайтар,  
Ақду кучингни жамла!

Дарвоза бўш — очик қоп,  
Тўпни ошир, чоп-ха, чоп!  
Майдон бўйлаб ҳужум қил,  
Гол уришга усул топ!

Беруний топган башар,  
Ер юмалоқ, улкан шар.  
Тўп ўхшар ер шарига,  
Ер шарни тўпга ўхшар.

Амир Темурдек йўл тут,  
Қанотлардан энгиб ўт!  
Дуч келган жамоани  
Ҳисоб-китоб билан ют!

Ватан сўзини ёд эт,  
Ют, ютавер кетма-кет!  
Эл-юрт дуосин оқлаб,  
Илоҳо, муродга ет!

Болам, оқ бўлсин йўлинг,  
Бошинг тик, баланд қўлинг.  
Худойим, куч, омад бер,  
Бандангман — севган қўлинг!

Ўнг оёгинг ўнгақай,  
Чап оёгинг чапақай.  
Ўнгдан, чапдан ёриб ўт,  
Тўпни тўнда чопай!

Ғалаба қозон, ўғлон,  
Ғалаба эмас осон.  
Еру кўни бошқарар  
Хоразмий қашқ этган сон.

Берунийнинг илми ҳол  
Колумбдан ўзган мисол  
Ўзбекистон тепган тўп  
Амриқода бўлар гол.

Рустам МУСУРМОН,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими,  
Қорақалпоғистон халқ шоири

# ЕЛКАДА ВАТАН ШАЪНИ МУХЛИСЛАР МУНОСИБ ЎЙИН, ЧИРОЙЛИ ҒАЛАБА ВА ГОЛЛАР КУТМОҚДА

Умидбахш дебют

Кўп миллатли ва кўп миллионли халқимиз орасида футболни севадиган, унинг сеҳри оламига ошно тутинганлар кўпчилигини ташкил қилади. АҚШ, Мексика ва Канада яшил майдонларида старт олган биринчилиги спортнинг ушбу турига қизиқмайдиган юртдошларимизнинг ҳам ҳаловатини олиб қўйди. Ўз тарихида илк бор жаҳон чемпионати финал босқичига йўланма олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Марказий Осиёдан мундиалда қатнашаётган биринчи давлатга айланди.

Шу боис, ҳозир мамлакатимиз аҳолисида ташқари узоқ-яқин қўш-илларимиз ҳам жамоамиз муҳлисига айланган. Бугун матбуот ва иктидоний тармоқ саҳифалари кўчаларда Ўзбекистон байроғини ҳиллатиб, либосларига футболчиларимиз исми-ни тушириб олган, мундиални томоша қилиш учун турли давлатлардан

FIFA президенти Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини тарихий воқеалик билан табриқлаб, муносиб ютуққа ҳисса қўшган футболчи, мурабий, федерация ва мухлисларнинг ишончи ҳамда интилишларини юқори баҳолади.

Қатор халқаро нашрлар Ўзбекистонни ЖЧ-2026 нинг мухлислари томоша қилиш учун турли давлатлардан

Экспертнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда мамлакатда инфра-тузилма ва болалар-ўсмирлар футбол фаол ривожлантирилган: "Айнан шу ишлар ўз самарасини бера бошлади. Ўзбекистон ёшлар жамоалари халқаро майдонда мунтазам жиддий муваффақиятларга эришмоқда. Масалан, 17 ва 20 ёшгача бўлган терма

билан соат 7:00 да Колумбия терма жамоасига қарши биринчи учрашувини ўтказди. Иккинчи турдан ўрин олган учрашув 23 июнь кунини соат 22:00 га белгиланган. Унда миллий терма жамоамиз Португалия билан куч синашди. Гуруҳдаги охириги баҳс 28 июнь соат 4:30 да Конго Демократик Республикаси футболчиларига қарши ўтказилди.

Ҳаяжонга тўла лаҳзалар

11 июнь тун оқшомида ЖЧ-2026 мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Мухлислар учун катта саҳна эффеклари, пиротехника, қўшиқ ва рақсли чиқишлар намойиш этилди. Стадион узра иштирокчи мамлакатларнинг давлат байроқлари бирма-бир олиб кириладиган лаҳзалар ўзбекистонлик мухлисларни ҳаяжонга солган энг ёрқин эпизодлардан бири бўлди.

Миллионлаб юртдошларимиз жонажон Ватанимиз байроғини ўйингоҳга ҳиллаб кириб келишини бахтиёрлик, ҳаяжон ва қувонч ёшлари билан кутиб олди, — дейди устоз журналист Ҳайдар Акбаров. — Фаолиятимиз катта қисмини спорт журналистикасига бағишлаганман.

Ўз вақтида "Спорт" газетаси хузурида махсус "Ўзбекистон футбол" ҳафталик иловасига асос солган эдик. Тахририятимиз ижодкорлари учун миллий термаимизнинг жаҳон биринчилигида иштирок этиши ва бу жаҳонларни қувонч ҳамда фахр билан ёритиш орузуми армонга айланди. Бугун кутилган бахтиёр кунларга етиб келдик.

Мундиалнинг дастлабки учрашуви Мехикодаги "Ацтека" стадионда бўлиб ўтди. Унда Мексика терма жамоаси ЖАРни 2:0 ҳисобида мағлуб этди. Кинонес 9-дақиқада ҳисобни очди. 67-дақиқада Рауль Хименес яқиний нуқтани қўйди. "А" гуруҳининг иккинчи ўйинида Жанубий Корея термаси Чехия билан куч синашди. Унда осиеликлар 2:1 ҳисобида зафар қучди.

Статистикага қизиқувчилар учун бир маълумот: ЖЧ-2026 дастлабки турнинг илк учрашувидан сўнг қизил карточкалар борасида тўрт йил аввал Қатарда ўтган мундиалда дегрипл тенглашиб олди. 2022 йилдаги жаҳон чемпионатида 64 учрашувда 4 та қизил карточка кўрсатилган эди. Бу сафар эса биринчи баҳсинг ўзида 3 та четлатилиш... Олдинда бизни янада қизиқарили ўйинлар кутмоқда. Демак, учрашув ҳакамлари олдинга мурасасиз бўлиш, ҳар бир қойдабузарлик учун

\*\*\*

Олдинда миллионларнинг умид кўзи қадалган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва ўзбекистонлик ҳакамлар бригадаси иштирокидаги ўйинлар бизни кутяпти. Елкасида ватан шаънини кўтариб турган йигитларга омад тилаймиз. Эҳтимол, улардан медал ва совринли ўринларни кутини, талаб қилишга ҳали эртарақдир, ammo муносиб ўйин, чиройли ғалаба ва голлар кутиб қолишга ҳақлимиз.

Надир МАХМУДОВ,  
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



Йиғилган мухлисларнинг фото ва видеолари билан тўлиб-тошиди.

Жаҳон биринчиликлари 1982 йили Испания мезонлик қилган бахслардан бошлаб 1 ой (28-31 кун) давом этаётган эди. Унгача мусобақалар 2 ёки 3 ҳафта мобайнида ўтказилган. FIFA иштирокчилар сонини 48 тага етказгани сабабли уч давлат қабул қилаётган бу давлат мусобақалар энг узоқ (38 кун) давом этаётган мундиал сифатида тарихдан жой олиш арафасида.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси халқаро майдонда катта эътибор ва эътирофлар билан ЖЧ-2026 бахсларига киришмоқда. FIFA Ўзбекистоннинг илк бор жаҳон чемпионатида қатнашини нафақат мамлакат, балки бутун Марказий Осиё футболни учун тарихий воқеа деб таърифлади. Ташкилот расмий сайтида "оқ бўйларнинг орузси ушалгани" ургуланиб, жамоанинг кўп йиллик сазй-ҳаракатлардан кейин мундиалга қиққани алоҳида ёритилди.

сифатида тилга олмақда, термаимизнинг кўп йиллик драматик саралашлардан кейин мақсадга эришганини катта ҳурмат билан қабул қилмоқда.

Мутахассислар миллий термаимизни фаворитлар қаторига киритмаётган бўлса-да, интизомли ўйини, ёш иштирокчилар ва интилуванлиги туфайли гуруҳ босқичида спортиз қилиш мумкин бўлган жамоа сифатида баҳолаган.

Ўзбекистонликларнинг жаҳон чемпионатида тарихий йўлланмаси қўлаб экпертлар томонидан мамлакатда сўнгги йилларда қилинган тизимли ишларнинг мантқиқий натижаси сифатида баҳоланмоқда, — дейди Қозогистон Профессинал футболчилар уюшмаси бошқаруви раиси Олжас Абраев. — Бу мутлақо қонуний натижа. Қўшнларимизда ривожланиш стратегияси бор ва улар унга изчил амал қилмоқда. Барча қадамлар мамлакат футболда тизимли ривожланишга қаратилган бўлиб, мантқиқий ва пухта ўйланган.

жамоалар сўнгги йиллар жаҳон чемпионатларининг финал босқичларида иштирок этиб келяпти".

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳали турнирда қиримайди турнир, муҳим рекордлар қайд эта бошлади. Маълумки, Фабио Каннаваро бошчилигидаги жамоамиз тарихий илк учрашувини 18 июнь кунини Колумбия терма жамоасига қарши ўтказди. 11 июнь ҳолатига Ўзбекистон — Колумбия учрашувида сотилган чипталар сони 74 минг 725 тани ташкил этди. Бу кўрсаткич ҳозирча 2026 йилги жаҳон чемпионати учун сотилган чипталар сони бўйича мутлақ рекорд сифатида қайд этилмоқда. Масалан, бу рақам очилиш баҳси Мексика — Жанубий Африка (73 минг 373) ва Бразилия — Марокаш (73 минг 719) учрашувлариникидан ҳам юқори.

Эслайтиб ўтамиз: жаҳон чемпионати гуруҳ босқичида Ўзбекистон "К" гуруҳидан жой олган. Футболчиларимиз 18 июнь кунини Тошкент вақти

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти" ДМ  
Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРК" НМАК масъул.  
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646.  
30166 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Оффсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
"ШАРК" наشريёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов  
Мусаҳҳих: Насиб Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилнинг:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шахрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА яқуни — 20:45 Топшириқди — 00:05